10 598

ВАТАН ХАРИТАСИ

Тошкентда республикамизда таълим тизимини ислоҳ қилишга бағишланган семинар бўлди. Уни Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги «Фонтус» халқаро компанияси билан биргаликда ташкил этди. Бу компания Буюк Британия, Германия ва Голландия ўқув юртлари консорциуми вакилидир.

Семинар Ўзбекистонда таълим тизимини ислоҳ қилишга кўмаклашувчи халқаро лойиҳани амалга ошириш борасидаги дастлабки тадбирдир. Қиймати 1,5 миллион ЭКЮни ташкил қиладиган, икки йилга мўлжалланган бу лойиҳа Европа Иттифоқи Комиссиясининг «ТАСИС» дастури доирасида амалга оширилмоқда. У Кадрлар тайёрлаш бўйича миллий дастурда белгиланган вазифаларни ҳал этишга қаратилган.

* * *

Шу кунларда Франциянинг Кан шаҳридаги Қуйи Нормандия минтақа кенгаши қароргоҳида Нукус музейи экспонатларининг кўргазмаси давом этмоқда. Кўргазма Ўзбекистон ва Франция Президентларининг олий патронажлигида ташкил этилди.

Ушбу кўргазма очилишига бағишлаб «Қизилқумда омон қолганлар» номли Нукус музейидан ўрин олган бадиий асарларнинг каталоги француз тилида чоп этилди. Каталогнинг Ўзбекистон ва Франция Президентлари ёзган сўзбошисида дунёни сақлаб қолишга қодир ҳамда сайёрамиз табиати билан узвий боғлиқ одамлар ва бутун инсоният тақдири ҳақида фикрлашга ундовчи санъатнинг қучига бўлган муносабатлари ифода этилади.

* * *

Гулистонда Сирдарё вилоят фаолларининг йиғилиши бўлди. Унда юртбошимизнинг Олий Мажлис ўнинчи сессиясидаги маърузаси, яқинда Вазирлар Маҳкамасида бўлиб ўтган учрашувда сўзлаган нутқида қишлоқ хўжалигида ислоҳотларни янада жадаллаштириш борасида ўртага қўйилган вазифалар муҳокама этилди.

* * *

Наманганда бўлган «Аёл ва ҳуқуқ» мавзусидаги республика семинарида оналик ва болаликни муҳофаза қилиш, ҳар томонлама баркамол, соғлом авлодни тарбиялаб вояга етказиш, келажагимиз бўлган ёшларни энг ривожланган мамлакатларда билим олишларини таъминлаш учун республикамиз миқёсида катта ишлар амалга оширилаётганлиги таъкидланди.

***

Ўзбекистон Республикаси Марказий банки 1998 йил 24 февралдан бошлаб

1 АҚШ долларини 82 сўм 71 тийин

миқдорида белгилади.

(ЎзА хабарлари асосида тайёрланди).

БУ ДУНЁНИНГ ИШЛАРИ

Жаҳон жамоатчилиги Бирлашган Миллатлар Ташкилоти Бош котиби Кофи Аннаннинг Бағдодга ташрифини катта умид билан кутиб олди. Бинобарин, Кофи Аннан ушбу ташрифи давомида Бағдод билан муҳим келишувларга эришиши зарур эди. Бир жиҳатдан шундай бўлди ҳам. У Бағдодда Ироқ раҳбарлари билан музокаралар ўтказди. Энг муҳим масала — Ироқнинг Президент объектларини текширишга келишиб олинди. Бундан ташқари «Озиқ-овқат учун нефть» дастурига биноан Ироққа 5,5 миллиард тонна нефть сотишга рухсат этиладиган бўлинди. Чунки бундан аввал Ироқ томонидан сотилган нефть маҳсулотларидан тушган маблағ халқни озиқ-овқат билан таъминлаш учун кифоя қилмай қолди. Ахир бир неча йил ишламай турган нефть қудуқларини ишга солиш учун ҳам бирмунча маблағ сарфланди-да. Кофи Аннан тинчлик музокараларини олиб бораётган айни кунларда АҚШ Ироққа ҳаво зарбаси беришга жиддий тайёргарлик кўрмоқда. Яқин келажакда яна 5-6 минг қуруқликдаги ҳарбий хизматчилар ушбу ҳудудга юборилади. Шунга қарамай, жаҳон жамоатчилиги тинчлик музокараларининг муваффақиятидан умидвор бўлиб турибди.

***

Лаосда умуман ёпиқ тарзда ўтган йилнинг декабрь ойида сайланган миллий мажлиснинг дастлабки сессияси очилди.

***

Америкаликларнинг фақат 18 фоизигина Билл Клинтон маъмурияти томонидан ишлаб чиқилган Ироқни бомбардимон қилиш ҳақидаги режани қўллаб-қувватламоқда.

***

Грузия парламенти террорчиликка қарши курашни кучайтириш тўғрисида алоҳида қонун қабул қилди.

***

Исроил мудофаа вазирлиги аҳолидаги газга қарши воситаларни тезроқ янгилашни мўлжалламоқда. Айни пайтда Тель-Авив марказидаги энг катта стадионда аҳоли эски воситаларни топшириб, янгисини олиш пайида. Яқин келажакда мамлакатда ана шундай алмаштирув пунктлари сони 60 тадан ошади. Демак, янги газга қарши восита ишлаб чиқарувчи бизнесменларнинг омади келадиган бўлди.

Ватанни севмак иймондандур!

ЎЗБЕКИСТОН ОВОЗИ

Ўзбекистон Халқ демократик партияси газетаси

1998 йил 24 февраль, сешанба • № 25 (22.262).

Газета 1918 йил 21 июндан чиқа бошлаган

АМАЛИЙ ҲАМКОРЛИК – МУНОСАБАТЛАРНИНГ АСОСИЙ МЕЗОНИ



СУРАТДА: Ислом Каримовнинг Украинага қилган расмий ташрифидан лавҳа.

Абдувоҳид ТЎРАЕВ (ЎзА) олган сурат.

Илгари хабар қилинганидек, Ўзбекистон Президенти Ислом Каримов 18-20 февраль кунлари расмий ташриф билан Украинада бўлди. Икки мамлакат байроқлари билан безатилган Борисполь аэропортида давлатимиз раҳбарини Украйна Бош вазири В. Пустовойтенко кутиб олди. Миллий либосдаги қизлар юксак мартабали меҳмонга нон ва туз тутдилар.

Ўзбек ва украин халқлари ўртасидаги дўстлик ва ҳамкорлик алоқалари узоқ тарихга эга. Қадимий ёзма манбаларнинг гувоҳлик беришича, ўнинчи асрлардаёқ Хоразм ва Киев ўртасида дўстлик ришталари ўрнатилган. Буюк қўбизчи Тарас Шевченконинг қадами эса Орол бўйларига ҳам етган.

Мустақиллик йилларида Украина ва Ўзбекистон ўртасидаги сиёсий-иқтисодий ҳамкорлик янги асосларда ривожлана бошлади. Ўтган йил мамлакатларимиз ўртасидаги савдо обороти 320 миллион АҚШ долларидан ошиб кетди. Ўзбекистон Украинага нефть ва газ, пахта толаси, ип, мис ва қишлоқ хўжалик маҳсулотлари етказиб беради. Украина эса бизга металл прокатлари, машина ва механизмлар, насослар, электр ускуналар, шакар ва кунгабоқар мойи каби маҳсулотларни экспорт қилади.

Киевдаги муҳташам Мариинск саройида Ўзбекистон раҳбарини Украина Президенти Л. Кучма кутиб олди. Бу ерда Ислом Каримовни расмий кутиб олиш маросими бўлди. Фахрий қоровул саф тортди. Икки мамлакат Давлат мадҳиялари янгради.

Саройнинг яшил залида Президентлар — И. Каримов ва Л. Кучманинг яккама-якка суҳбати бўлиб ўтди. Мулоқот чоғида мамлакатларимиз ўртасидаги амалий ҳамкорликни янада кенгайтириш масалалари муҳокама этилди.

Украина ва Ўзбекистон ўртасидаги давлатлараро муносабатларни ривожлантириш ҳамда халқларимиз ўртасидаги дўстликни мустаҳкамлашдаги улкан хизматлари учун Ислом Каримов Украинанинг биринчи даражали Ярослав Мудрий ордени билан тақдирланган эди. Президент Л. Кучма ана шу олий нишонни мамлакатимиз раҳбарига топширди.

Украина Президенти Л. Кучма ўзбек ва украин халқлари ўртасидаги дўстликни мустаҳкамлаш, икки томонлама муносабатларни ривожлантириш, тинчлик ва барқарорликни сақлаш ишига қўшган салмоқли ҳиссаси учун Ватанимизнинг «Буюк хизматлари учун» ордени билан мукофотланган эди. Президент Ислом Каримов мазкур нишонни Украина Президентига тақдим этди.

Ташрифнинг иккинчи куни Украина ва Ўзбекистон Президентлари раҳбарлигида расмий делегацияларнинг кенгайтирилган таркибдаги музокаралари билан бошланди. Музокараларда иқтисодий, илмий ва маданий ҳамкорликни янги босқичга кўтариш имкониятлари мавжудлиги таъкидланди.

Мариинск саройининг Оқ залида ҳужжатларни имзолаш маросими бўлди. Президентлар Ислом Каримов ва Леонид Кучма Ўзбекистон Республикаси билан Украина ўртасидаги «Дўстлик ва ҳар томонлама ҳамкорликни янада чуқурлаштириш тўғрисида»ги шартномани имзоладилар. Шунингдек, давлатлараро консуллик конвенцияси, оилавий ва фуқаролик ишларида ҳуқуқий ёрдам бериш, интеллектуал мулкни, атроф-муҳитни муҳофаза қилиш, табиий газ етказиб бериш билан боғлиқ ўндан зиёд шартнома ва битимлар ҳам қабул қилинди. Улар икки мамлакат вазирлик ва идораларнинг ўзаро ҳамкорликдаги фаолиятини мувофиқлаштиришга хизмат қилади.

Маросим сўнггида икки давлат бошлиқлари оммавий ахборот воситалари мухбирлари билан учрашиб, уларни қизиқтирган саволларга жавоб қайтардилар.

Президент Ислом Каримов мухбирларга Ўзбекистонда амалга оширилаётган ислоҳотларнинг асосий тамойиллари ҳақида сўзлаб берди. Биз турли баёнотлардан кўра амалий ҳамкорликни афзал кўрамиз, деди давлатимиз раҳбари. Зеро, амалий ҳамкорлик давлатлар ўртасидаги муносабатларнинг асосий мезони бўлмоғи керак. Шу маънода Украина сиёсий, иқтисодий, маданий соҳаларда энг ишончли ҳамкорларимиздан саналади. Қолаверса, халқларимизнинг қалби, руҳияти бир-бирига жуда яқин. Буни Ўзбекистонда ўтган Украина маданияти кунларининг улкан дўстлик байрамига айланиб кетгани ҳам яққол намойиш этди. Бугун имзоланган ҳужжатлар мамлакатларимиз ўртасидаги дўстлик ришталарини янада мустаҳкамлайди. Бизнинг иқтисодий салоҳиятларимиз Ўзбекистон ва Украина ўртасидаги савдо оборотини 1 миллиард АҚШ долларигача етказиш имконини беради.

Ўзбекистонда амалга оширилаётган ўзгаришларга келсак, деди Ислом Каримов, биз бу борада бугунги кунда бутун дунё тан олган ўз моделимизга эгамиз. Ўтган йили мамлакатимизда бир миллиард 200 миллион долларлик чет эл инвестицияси ўзлаштирилганлиги ҳам ана шу эътироф натижасидир. Ўзбек модели бозор муносабатларига иқтисодиётни сиёсатдан устувор, деб белгилаган ҳолда, аҳоли ижтимоий ҳимоясини назардан соқит қилмай, босқичма-босқич ўтишни назарда тутади. Давлат бу ўзгаришларни амалга оширишда ҳаётнинг барча соҳаларида қонун устунлигини таъмин этган ҳолда, етакчилик қилади. Биз эришган энг катта ютуқ эса ислоҳотларнинг муқаррарлигига, халқ фаровонлигини ошириш омили эканига фуқароларимизнинг қатъий ишончидир.

Президент Леонид Кучма Ўзбекистонда қарор топган тинчлик ва осойишталик иқтисодиётда эришилаётган ютуқларнинг замини эканини қайд этди. Шу ўринда Украина раҳбари келтирган бир мисолни айтиб ўтиш жоиздир. Биз Кореянинг «ДЭУ» корпорацияси билан автомобиль заводи қуриш ҳақидаги музокараларни Ислом Каримов иккимиз бир вақтда бошлаган эдик, деди Леонид Кучма. Бугунга келиб, кўриб турганингиздек, Ўзбекистон уч турдаги бир-биридан гўзал машиналарни ишлаб чиқармоқда. Биз эса таассуфки, музокара ва мунозаралардан нарига ўтолганимиз йўқ.

Дарҳақиқат, ташриф арафасида ўтган Ислом Каримовнинг «Ўзбекистон XXI аср бўсағасида» китоби тақдимот маросимида ҳам йўлбошчимиз раҳнамолигида ишлаб чиқилган мамлакатимизнинг ўзига хос тараққиёт йўли — ўзбек модели хусусида гапирилди. Украина олимлари, жамоат арбоблари китобнинг аҳамиятини таъкидлаб, бу йўл ўрганишга, лозим бўлса, андоза олишга молик эканини қайд этдилар.

(Давоми 2-бетда).

ХДП хабари

ЎЗБЕКИСТОН ХДП МАРКАЗИЙ КЕНГАШИ ПЛЕНУМИ

1998 йилнинг 21 февраль куни Ўзбекистон Халқ демократик партияси Марказий Кенгашининг XVIII Пленуми бўлиб ўтди.

Унда мамлакатдаги туб ислоҳотларнинг ҳозирги босқичида Ўзбекистон ХДП маҳаллий кенгашлари фаолиятини янада такомиллаштириш вазифалари, Ўзбекистон ХДП Марказий Кенгаши Сиёсий ижроия қўмитасининг 1997 йилдаги фаолияти юзасидан ҳисоботи, республика Олий Мажлисидаги ХДП фракциясининг ўтган йилдаги иши ҳақида ахборот, Ўзбекистон ХДПнинг 1997 йилги бюджетининг бажарилиши якунлари ва унинг 1998 йил бюджети лойиҳасининг асосий кўрсаткичлари тўғрисидаги ҳамда партия ички ҳаётига оид бошқа масалалар кўриб чиқилди.

Пленум кун тартибига киритилган масалалар юзасидан Ўзбекистон ХДП Марказий Кенгашининг биринчи котиби Абдулҳафиз Жалолов маъруза қилди.

Маъруза бўйича музокараларда Ўзбекистон ХДП Бухоро вилоят кенгаши биринчи котиби Ж. Нуруллаев, Чуст тумани ҳокимининг ўринбосари Ш. Раҳматуллаев, Шаҳрихон тумани «Янги ҳаёт» жамоа хўжалиги раиси М. Отабоев, «Ўздавлатсувлойиҳа» институти бўлим бошлиғи Ю. Селиверстов, Ўзбекистон ХДП Шаҳрисабз туман кенгаши биринчи котиби М. Остонов сўзга чиқдилар.

Пленум кун тартибидаги биринчи — «Мамлакатдаги туб ислоҳотларнинг ҳозирги босқичида Ўзбекистон ХДП маҳаллий кенгашлари фаолиятини янада такомиллаштириш вазифалари тўғрисида»ги масала юзасидан қарор қабул қилди (қарор газетанинг бугунги сонида чоп этилмоқда). У, шунингдек, МК Сиёсий ижроия қўмитасининг 1997 йилдаги фаолияти бўйича ҳисоботи ва Ўзбекистон ХДПнинг 1997 йилги бюджети бажарилишининг якунлари ва унинг 1998 йил бюджети лойиҳасининг асосий кўрсаткичларини тасдиқлади ҳамда республика Олий Мажлисидаги ХДП фракциясининг ўтган йилдаги иши ҳақидаги ахборотни маълумот учун қабул қилди, Марказий Кенгаш таркибига айрим ўзгартиришлар киритишга оид ташкилий масалаларни кўриб чиқди.

Пленум ишида Ўзбекистон ХДП Марказий тафтиш комиссияси аъзолари, вилоят кенгашларининг партия марказий сайланма органлари аъзоси бўлмаган котиблари, ХДП Олий Мажлисдаги фракциясининг қатор аъзолари, республика жамоат бирлашмаларининг раҳбарлари ва оммавий ахборот воситалари вакиллари иштирок этдилар.

МАРКАЗИЙ ТАФТИШ КОМИССИЯСИНИНГ МАЖЛИСИ

21 февраль куни Ўзбекистон ХДП Марказий тафтиш комиссиясининг мажлиси бўлиб ўтди. Унда комиссия раиси Ў. Турғунов «Ўзбекистон ХДП Марказий тафтиш комиссиясининг 1997 йилдаги фаолияти тўғрисида» маъруза қилди.

Мажлисда, МТК фаолиятига оид бошқа масалалар ҳам кўрилди.

Кўрилган масалалар юзасидан тегишли қарорлар қабул қилинди.

Ўзбекистон ХДП МК матбуот хизмати.

Ўзбекистон Республикаси Прокуратурасида

1998 йил 17 февралдан 18 февралга ўтар кечаси Сурхондарё вилоятининг «Оқтош» божхона ва чегара назорати постида мазкур пост ҳарбий хизматчилари ўртасида можароли воқеа содир бўлди. Ҳарбий хизматчилардан бирининг ўқотар қуролни ишлатиши фожиали оқибатларга олиб келди. Ҳарбий хизматчилар ва божхона пости ходимлари орасида ярадорлар ва ҳалок бўлганлар бор.

Олиб борилган тезкор-қидирув тадбирлари натижасида можароли воқеа айбдори аниқланди ва қўлга олинди.

Ушбу факт юзасидан Ўзбекистон Республикаси Прокуратураси, Ўзбекистон Республикаси Миллий хавфсизлик хизмати, Чегара қўшинлари қўмондонлиги ва бошқа тегишли органлар томонидан чуқур тергов ҳаракатлари олиб борилмоқда.

Жиноий иш қўзғатилди.

ФАРМОНГА ШАРҲ

Кейинги вақтларда Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучларининг айрим ҳарбий қисмларида ҳарбий хизматчилар ўртасида низомга зид ўзаро муносабатлар ҳоллари аниқланганлиги муносабати билан Ўзбекистон Республикаси Президенти И. Каримов 1998 йилнинг 23 февралида «Ўзбекистон Республикаси ҳарбий қисмларида интизомни мустаҳкамлашга қаратилган чора-тадбирлар тўғрисида»ги Фармонга имзо чекди. Фармонга биноан Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлиги, чегара ва ички қўшинлари ҳарбий қисмларида ҳарбий интизомнинг аҳволини чуқур ўрганиш учун комиссия тузилди.

Комиссияга уч ой ичида ҳарбий қисмлар ҳарбий хизматчилари ўртасида низомга зид ўзаро муносабат ҳолларини бартараф этишга қаратилган муайян чора-тадбирлар мажмуини Ўзбекистон Республикаси Президентига тақдим этиш топширилди.

Ҳарбий интизомнинг аҳволи ва низомга зид муносабат ҳолларини бартараф этиш чора-тадбирлар самарадорлиги учун ҳарбий қисмлар командирлари ва тегишли қўшин турлари қўмондонлари жавобгардирлар. Президент Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлиги, Миллий хавфсизлик хизмати, Ички ишлар вазирлиги ва Прокуратураси раҳбариятига бир ой муддат ичида ҳарбий хизматчилар ўртасида низомга зид муносабат ҳолларининг хизмат текшируви тартиблари тўғрисида Низом тайёрлаш ва уни тасдиқлаш учун тақдим этишни топширди. Ўзаро муносабатларда низомга зид ҳар бир ҳолат учун ҳарбий қисмлар ва бўлинмалар командирларининг жиноий жавобгарликка тортишгача бўлган шахсий жавобгарлиги Низомда белгиланади.

Ҳарбий қисмларда соғлом ахлоқий муҳитни яратиш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Хотин-қизлар қўмитасига «Камолот» Ёшлар жамғармаси ва Мудофаага кўмаклашувчи «Ватанпарвар» жамияти билан ҳамкорликдаги ўз фаолиятларида ҳарбий хизматга чақирилувчилар ва ҳарбий хизматчилар ўртасида тарбиявий ишларни яхшилашга алоҳида эътибор қаратишлари тавсия этилди. Бунинг учун Хотин-қизлар қўмитаси қошида доимий фаолият кўрсатувчи комиссия тузилади.

Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлиги, Миллий хавфсизлик хизмати ва Ички ишлар вазирлигига ушбу комиссия ўз фаолиятини амалга ошириши учун зарур шароит яратишга кўрсатма берилди.

Сурхондарё вилоятининг «Оқтош» чегара постида ҳарбий хизматчиларни ҳалокатга олиб келган фожиали воқеа муносабати билан ушбу ҳодиса сабабларини пухта ўрганиш учун комиссия тузилди. Комиссия икки ҳафта ичида Ўзбекистон Республикаси Президентига ўз иши натижаларини тақдим этиши лозим.

Ҳарбий интизомни бўшаштириб юборганлиги, ўқ отиш қуролларини сақлаш ва улардан фойдаланиш қоидаларини бузганлиги ва бу жуда оғир оқибатга олиб келганлиги учун ушбу ҳарбий қисм қўмондонлигига нисбатан жиноий жавобгарликка тортишгача бўлган ўта қаттиқ чоралар кўрилади.

Ўзбекистон Республикаси Давлат божхона қўмитаси матбуот хизмати хабар қилади

1998 йил 21 февраль куни Сурхондарё вилояти «Сариосиё» божхона пости ходимлари Тожикистон Республикасидан келаётган, Қозоғистон Республикаси фуқаролари И. Сесарев ва Н. Сиздиков бошқарувидаги «Х 677 ВЛМ» давлат белгисидаги «КамАЗ 5321» русумли транзит автомашинани назоратдан ўтказишди.

Божхона ходимларининг ҳушёрлиги туфайли ҳужжатларда кўрсатилган юклар ичидан 444 килограмм 335 грамм гиёҳванд моддалар: жумладан 6 килограмм 580 грамм героин, 253 килограмм 725 грамм наша, 182 килограмм 60 грамм қорадори, 1 килограмм 970 грамм марихуана топилди.

Юқорида номлари кўрсатилган Қозоғистон Республикаси фуқаролари қўлга олинди. Мазкур факт юзасидан жиноий иш қўзғатилди, тергов ҳаракатлари олиб борилмоқда.

АМАЛИЙ ҲАМКОРЛИК — МУНОСАБАТЛАРНИНГ АСОСИЙ МЕЗОНИ

(Давоми. Боши 1-бетда).

Шу куни Ўзбекистон раҳбари иккинчи жаҳон уруши жанггоҳларида қурбон бўлган украин фарзандлари хотирасига ҳурмат бажо этиб, Номаълум аскар қабрига гул қўйди.

Мамлакатимизда қишлоқ хўжалигини янги босқичга кўтаришга, бу соҳада амалга оширилаётган ислоҳотларни янада чуқурлаштиришга алоҳида аҳамият берилмоқда. Украина бу борада ҳам бизга яқин ҳамкор бўлиши мумкин. Чунки бу мамлакатда қишлоқ хўжалиги фани, техника ишлаб чиқариш соҳалари яхши ривожланган. Ташриф дастуридан давлатимиз раҳбарининг Украина қишлоқ хўжалик фанлари академиясига қарашли гидротехника ва мелиорация институтига бориши ҳам ўрин олгани бежиз эмасди. Чунки институт олимлари ўзбекистонлик касбдошлари билан узоқ вақтлардан буён ҳамкорлик қилиб келади.

Президент Ислом Каримов институт ходимларининг янги ишланмалари билан танишди, суғориш ва қишлоқ хўжалиги техникаси кўргазмасини кўздан кечирди. Бу ерда ишлаб чиқилган қурилмалар, ускуналар суғоришни илмий асосда бошқариш, сувдан тежаб фойдаланиш имконини беради. Айниқса, оқава сув зовурлари — дренажларни тозалашда ишлатиладиган экскаватор, ичимлик суви тайёрланиб узатиладиган мослама, бу ерда синовдан ўтган буғдой навлари йўлбошчимизда катта қизиқиш уйғотди.

Академия олимлари ва етакчи мутахассислар билан му. оқот чоғида уларнинг ўз екистонлик ҳамкасблари билан ҳамкорлигини янада кенгайтириш ҳақида келишиб олинди.

Президентнинг Украина парламенти — Олий Рада Раиси Александр Мороз билан учрашувида мустақиллик йилларида жамиятни демократлаштириш борасида мамлакатларимизда тўпланган тажриба хусусида гап борди. Биз эркин ҳуқуқий давлат қуришнинг қонуний асосларини яратдик, деди Ислом Каримов. Бу борада янги уй қурмай туриб эскисини бузманг, деган нақлга амал қилдик. Ўзбекистонда турли миллат вакилларининг, хусусан, украинларнинг ҳам тинч-тотув яшаётгани, ўзбек халқи билан елкама-елка туриб буюк давлат барпо этиш йўлида меҳнат қилаётгани ана шу сиёсат натижаси десак муболаға бўлмайди. Муҳими, ижтимоий ҳаётдаги ислоҳотлар натижасида одамларнинг дунёқараши, фикри ўзгарди. Улар ўзлигини англади, эрк туйғусини ҳис этди. Бу, таъбир жоиз бўлса, янги ҳаёт қуришнинг асосий омилидир.

Ташрифнинг учинчи куни Ислом Каримовнинг Днепропетровск шаҳрига жўнаб кетиши олдидан Ўзбекистон ва Украина давлат байроқлари билан безатилган Мариинск саройида олий мартабали меҳмонни расмий кузатиш маросими бўлди. Фахрий қоровул саф тортди. Давлат мадҳиялари янгради. Ислом Каримов Украина делегацияси аъзолари билан самимий хайрлашди.

Днепропетровск вилояти Украина иқтисодий салоҳиятида алоҳида ўрин тутади. Бу ерда мамлакат саноат маҳсулотининг 15 фоизи ишлаб чиқарилади. Днепропетровск шаҳрида 178 йирик саноат корхонаси бор. 600 дан зиёд корхона эса ўз маҳсулотларини хорижга экспорт қилади.

«Жанубий машинасозлик заводи» ишлаб чиқариш бирлашмаси ана шундай йирик корхоналардан биридир. Бу ерда «Зенит» ракета мажмуалари, сунъий йўлдош ва космик кемаларни фазога олиб чиқувчи «Циклон» ракетаси, «Океан» космик аппаратлари, шунингдек, жаҳон андозаларига жавоб берадиган тракторлар, трамвай ва троллейбуслар ишлаб чиқарилади.

Президент Ислом Каримов Леонид Кучма ҳамроҳлигида заводнинг иш жараёни билан танишди. Муҳандис ва ишчилар билан суҳбатлашди. Ўзбекистон корхоналари билан ҳамкорлик қилинадиган йўналишлар белгилаб олинди. Айниқса, олтин қазиб олиш, фазони тадқиқ этиш соҳаларида кенг ҳамкорлик уфқлари мавжудлиги қайд этилди.Шуни таъкидлаш керакки, давлатимиз раҳбарининг Украинага ташрифи амалий натижаларга бой бўлди. Ўтказилган учрашув ва музокаралар сиёсий, иқтисодий масалаларда икки давлат раҳбарларининг қарашлари уйғун эканлигини яна бир бор тасдиқлади. Бинобарин, бу мамлакатларимиз иқтисодий салоҳиятини юксалтиришга, халқларимизни янада яқинлаштиришга, дўстлик ришталарини мустаҳкамлашга хизмат қилади.

Президент Ислом Каримовнинг Украинага сафари чоғида унга Бош вазир ўринбосарлари Қ. Ҳаққулов, М. Усмонов, ташқи ишлар вазири А. Комилов ва бошқа расмий кишилар ҳамроҳлик қилди.

Аҳмад ХЎЖА,
Тошкент — Киев —Тошкент.
(ЎзА).

Менда таклиф бор

ИНСОФДАН БАРАКА КЕЛАДИ

Телефон жиринглаб қолди. Кўтарсам, ўзини Сайфулло Иброҳимов деб таништирди-да, дардини айтиб қолди:

-- Яқинда Чорсу бозоридаги тижоратчилардан чиройли қилиб тикилган иккита болалар туфлисини сотиб олган эдим. Сабил, ўзимизники деб сотишган «бу матоҳлар»ни болалар бир ойга ҳам еткизишмади. Нархи ҳам «чиройи»га қараб хийла баланд эди.

«Соф чарм» деб сотишган пойабзалнинг ичи дермантин экан. Хафа бўлдим, афсусландим. Лекин ўша пойабзалларни ишлаб чиқараётган корхонага, алдаб сотган тижоратчига топган пуллари юқармикан?..

Таҳририятимизга қўнғироқ қилган Сайфулло Иброҳимов ҳақ гапни айтиб қолди. Ҳақиқатдан ҳам кейинги кезларда республикамизда баъзи хусусий корхоналар иш суръатларини оширишга қизиқиб сифатига эътиборсизлик қилмоқда. Ахир, давлатимиз мустақиллик йўлидан дадил бормоқда. Эндиликда унда етиштирилаётган ва тайёрланаётган жамики моддий бойликлар борки, шу юртнинг кўрки, шу халқнинг обрў-эътиборидир. Аввало бу маҳсулотларни ўз халқимиз учун тайёрлаяпмиз. Шундай экан, ғирромлик инсофданмас. Пойабзал тайёрлашда чарм ўрнига арзон картон ва дермантиндан фойдаланаётган «уддабурон»ларга инсоф ва диёнат тилаймиз.

Биродаримиз Сайфулло ака афсусланиб бизга қўнғироқ қилганлигидан айни кезда минглаб кишиларнинг дардини айтди. Қани энди, айрим «ишбилармонларимиз» ва «тижоратчиларимиз» Ҳадисларда айтилганидек ҳалоллик, инсоф йўлидан юрса нур устига нур бўларди.

Албатта, юртимизда кичик-кичик корхоналар кўпаяётганлиги яхшилик аломати. Истагимиз, уларда ҳам маҳсулотларнинг сифатлилигини назорат қилиш, катта-катта фабрикалардагидек йўлга қўйилиши керакка ўхшайди. Назаримда, бундан яна бир хулоса келиб чиқадики, инсофни унутаётган бундайларнинг чегарадан чиқиб кетмаслигини ушбу назорат таъминлармиди?..

Маъмуржон ҚИЁМОВ.

«Ўзбекистон овози»га жавоб берадилар

«ҚОЛГАН ИШГА ҚОР ЁҒДИ»

Газетанинг шу йил 5 январь сонида чоп этилган юқоридаги сарлавҳали мақолада Қашқадарё вилоятининг мураккаб шароитдаги тоғ қишлоқлари аҳолисини озиқ-овқат маҳсулотлари билан таъминлаш, бунинг учун керакли маблағни ажратиш масаласига таъминотчи ташкилотлар, шу жумладан, «Савдогарбанк»нинг вилоят ва туманлардаги бўлимлари ҳам бош қўшишлари лозимлиги таъкидланган эди. Мақола юзасидан савдо ва тижоратга кўмаклашувчи «Савдогар» ихтисослаштирилган акционерлик-тижорат банки раҳбариятидан жавоб хати олинди.

Ўзбекистон Республикасининг «Банклар ва банк тўғрисида»ги Қонунида банкларга юридик ва жисмоний шахслардан омонатлар қабул қилиши ҳамда қабул қилинган маблағлардан таваккал қилиб кредит бериш ёки инвестициялаш ҳуқуқи берилган. Юқоридаги Қонуннинг 4- ва 31-моддаларига асосан кредитлар қайтаришлик тўловчанлик, таъминланганлик муддатлилиги ва аниқ мақсадга ишлатиш шартлари билан банк ва мижозлар ўртасидаги шартномалар асосида амалга оширилади.

Аҳолининг озиқ-овқат маҳсулотларига бўлган талабини қондириш мақсадида «Савдогарбанк» Шаҳрисабз тумани бўлими раҳбарияти томонидан 1997 йилда туман ташкилотлари билан ҳамкорликда иш олиб бориб, 438772 минг сўм, шундан Мироқи очиқ турдаги савдо ҳиссадорлик жамиятига эса 43470 минг сўмлик кредит маблағлари берилиб улардан унумли фойдаланиши устидан назорат олиб бормоқда.

Ҳиссадорлик жамияти томонидан кредит қайтарилишини таъминлаш шартининг бажарилиши учун мол-мулк гарови таклиф қилинган.

Мироқи очиқ турдаги савдо ҳиссадорлик жамиятининг балансидаги мол-мулки 26,8 млн. сўмни, товарлар захираси 17 млн. сўм (шундан 14 млн. сўмлиги банк кредитлари ҳисобига ташкил этилган) атрофида эканлигини, юқорида қайд этилган қоидаларнинг 15-бандига кўра берилажак кредит ҳажми гаровга олинаётган мол-мулкнинг 80 фоизидан ошмаслиги талаб қилинишини таъкидлаш лозим.

Кредит маблағларидан фойдаланганлик учун олинадиган тўловлар амалда сарф қилинган харажатлар ҳисобидан келиб чиқишини ҳамда «Савдогарбанк»нинг ҳозирдаги молиявий аҳволини, кредиторлар ва омонатчилар манфаатларини ҳимоялаш мақсадида республика Марказий банки томонидан ўрнатилган кўрсатмаларга амал қилиб келинаётганлигини инобатга олиб, бугунги кунда банкимизнинг мижозларига устамасиз кредит ажратиш қобилиятига эга эмаслигини маълум қиламиз.

Кредит ажратиш ва расмийлаштириш учун амал қилаётган қоида ва қонунчилик меъёрлари бажарилган тақдирда, мавжуд имкониятлардан келиб чиққан ҳолда, Мироқи очиқ турдаги ҳиссадорлик жамияти билан биргаликда барча ҳал қилиниши лозим масалалар кўриб чиқилади.

Бошқарув раиси муовини вазифасини бажарувчи А. ИМОМХЎЖАЕВ.

Ўзбекистон ХДП МК XVIII Пленумининг қарори

Мамлакатдаги туб ислоҳотларнинг ҳозирги босқичида Ўзбекистон ХДП маҳаллий кенгашлари фаолиятини янада такомиллаштириш вазифалари тўғрисида

Ўзбекистон ХДП Марказий Кенгаши пленуми якунланган 1997 йилни мустақил мамлакатимиз халқининг тинч ва фаровон ҳаётини таъминлаш, унинг ижтимоий йўналтирилган бозор иқтисодиёти, эркин демократик жамиятни шакллантириш томон юришида яна бир муҳим босқич бўлганлигини қайд этади.

Ўтган йил давомида юртимиз ривожининг иқтисодий, ижтимоий ва сиёсий жабҳаларида жиддий ижобий ўзгаришлар рўй берди. Саноат, қишлоқ хўжалиги, қурилиш ва коммуникация, ижтимоий тузилмалар изчил ва барқарор ривожланди. Иқтисодиёт тизимидаги ўзгаришлар 1997 йилда Инсон манфаатларини амалга ошириш дастурини бажаришнинг мустаҳкам заминини яратди. Бу жараёнларда халқ хўжалигининг турли соҳаларида фаолият кўрсатаётган партиямиз аъзолари — депутатлар, зиёлилар, хизматчилар, бошқа касб эгалари вакиллари фаол иштирок этмоқдалар.

Ўзбекистоннинг халқаро обрўси ва мавқеи янада ошди. Мамлакат Президенти И. А. Каримовнинг «Ўзбекистон XXI аср бўсағасида: хавфсизликка таҳдид, барқарорлик шартлари ва тараққиёт кафолатлари» китоби, унда баён этилган қоида ҳамда хулосалар мамлакатимизда ва жаҳонда кенг эътироф этилди.

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг 1997 йилда ўтказилган VIII, IX ва X сессияларида ислоҳотлар сиёсатини муваффақиятли ўтказишга йўналтирилган қатор муҳим қонунлар, ҳужжатлар қабул қилинди. Жумладан, Жамиятда ҳуқуқий маданиятни ошириш миллий дастури демократик ўзгаришларни янада ривожлантириш ва чуқурлаштиришда муҳим аҳамиятга эга. Кадрларни тайёрлаш миллий дастури ва Таълим тўғрисидаги Қонунни қабул қилиниши мазкур тизимларни жаҳонда эришилган энг яхши намуналар даражасига яқинлаштиришга йўналтирилган. Қишлоқ хўжалигини замонавий, юксак самарали соҳага айлантириш, уни ташкил этиш, ихтисослаштириш ва бошқаришни такомиллаштириш, тезроқ тегишли инфратузилма ва қайта ишловчи соҳаларни ривожлантиришнинг ҳуқуқий асосларини яратишга жиддий эътибор берилди. 1998 йилни Оила йили, деб эълон қилиниши катта ижтимоий-сиёсий аҳамиятга молик воқеа бўлди. Бунга оид тегишли умумдавлат дастури қабул қилинди.

Сессияларни тайёрлаш ва ўтказишда Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисидаги ХДП фракцияси фаол ва самарали иш олиб борди. Парламент мажлиси кун тартибига киритилаётган масалалар юзасидан, Олий Мажлис Котибиятига, 400 га яқин, таклифлар, фикр-мулоҳазалар юборилди.

Кўпчилик партия ташкилотларининг ХДП депутатлик гуруҳлари фаолиятини муваффақиятли йўналтириш, партиядан сайланган депутатларнинг ахборотларини мунтазам эшитиб бориш, халқ вакиллари билан сайловчиларнинг учрашувларини уюштириш, депутатлар қабулхоналарини ташкил этиш, партия фаолларини ташкилий, оммавий-сиёсий ишларга жалб қилиш бўйича олиб бораётган ишлари эътиборга лойиқдир.

Мамлакатимизнинг маънавий ва демократик янгиланишида партия ташкилотларининг иштироки анча фаоллашди. Уларнинг саъй-ҳаракатлари натижасида жойларда кўпминг сонли тарғиботчилар, тарғибий-ташвиқий гуруҳлар, сиёсий клублар, доимий ишловчи семинарлар, ижтимоий-сиёсий, жумладан, ўн мингдан зиёд «Маърифат» марказлари, хоналари, ахборот бурчакларининг ишлаб туриши ижобий ҳолдир.

ХДП тузилмалари фаолиятини, унинг сифат таркибини яхшилаш, ички партиявий интизомни мустаҳкамлаш, партия кенгашларининг молия-хўжалик ва ишлаб чиқариш борасидаги ишларини ривожлантиришга алоҳида эътибор берилмоқда.

«Ўзбекистон овози», «Голос Узбекистана» газеталари, «Мулоқот» журнали, маҳаллий партия ташкилотлари нашрларининг мамлакатда амалга оширилаётган туб иқтисодий, сиёсий ва маънавий ислоҳотларга эътиборлари ортмоқда.

Шу билан бирга, маҳаллий партия ташкилотларининг мазкур йўналишлардаги фаолиятлари жиддий камчилик ва нуқсонлардан холи эмас. Қатор вилоят, шаҳар, туман кенгашларининг ислоҳотларни амалга оширишда ҳокимликлар ва жамоат ташкилотлари билан амалий ҳамкорликни йўлга қўйиш, иқтисодиётнинг нодавлат жабҳасида партия ташкилотлари таъсирини кучайтириш, «Маърифат» марказларини ташкил қилиш ва уларнинг ишини йўналтириш, марказий партия нашрларини қўллаб-қувватлаш, уларнинг салоҳиятидан мафкуравий ишларда фойдаланиш бўйича фаолиятлари бугунги кун талаблари даражасида эмас. Баъзи партия ташкилотлари ички партиявий интизомни мустаҳкамлаш, қабул қилинган қарорлар ижросини назорат қилиш, ишлаб чиқариш — хўжалик фаолиятларини ташкил этиш масалаларида лоқайдлик кўрсатмоқдалар.

Ушбу камчиликларни бартараф этилиши, кўп жиҳатдан, партия таркибидаги 14 минг 250 дан зиёд бошланғич ташкилотлар фаолиятини тўғри йўналтирилишига боғлиқ. Маҳаллий партия кенгашлари бунинг учун етарли салоҳиятга эгалар. 10 мингдан зиёд улар таркибига сайланган аъзолар бор, қолаверса, партия Марказий органларининг 190 га яқин аъзолари ҳам ўз фаолиятларини вилоят, шаҳар, туманларда олиб борадилар. Бундан ташқари, 3 минг 200 га яқин партиядан сайланган, жумладан Олий Мажлисда 69 та, депутатларимиз бор. Бу катта кучдан унумли фойдаланиш керак. Юқоридагиларни ҳисобга олиб, **Ўзбекистон Халқ демократик партияси Марказий Кенгаши пленуми қарор қилади:**

1. Ўзбекистон ХДП Қорақалпоғистон республика, вилоятлар, шаҳар ва туман кенгашларига барча партия аъзолари, ташкилотларининг ислоҳотлар сиёсатини амалга оширишдаги иштирокларини кучайтириш, бу ишдаги камчиликларни бартараф этишга қаратилган таъсирчан чоралар кўриш таклиф этилсин. Бу ишга, биринчи галда, ХДП Марказий ва маҳаллий партия органлари аъзолари, партиядан Олий Мажлисга, халқ депутатлари маҳаллий Кенгашларига сайланган депутатларни жалб этиш муҳимлиги таъкидлансин.

Партия дастурий мақсадларини рўёбга чиқариш, сайловолди Сиёсий ҳужжати, Миллий истиқлол мафкурасида белгиланган вазифаларни уддалаш, мамлакатнинг барча фуқароларига Ўзбекистон Президенти И. А. Каримовнинг Олий Мажлис IX ва X сессияларидаги нутқлари, «Ўзбекистон XXI аср бўсағасида: хавфсизликка таҳдид, барқарорлик шартлари ва тараққиёт кафолатлари» китобида илгари сурилган қоида ҳамда хулосаларнинг мазмун-моҳияти, ҳукуматнинг «Оила манфаатларини таъминлаш борасида 1998 йилда амалга ошириладиган тадбирлар Давлат дастури тўғрисида»ги қарорини, «Маърифат» марказлари, ташвиқотчи-тарғиботчи гуруҳлар, илмий-назарий семинарлар, партия ўқуви турли шаклларидан кенг фойдаланган ҳолда, аҳолига ҳар томонлама тушунтириш, уларни бажаришда давлат ҳокимияти маҳаллий идораларига фаол кўмаклашиш зарурлигига алоҳида аҳамият бермоқ лозимлиги уқтирилсин.

2. Партиянинг республика Олий Мажлисидаги фракцияси ва халқ депутатлари маҳаллий Кенгашларидаги депутатлик гуруҳлари фаолияти самарадорлигини ошириш партия тизими барча даражалардаги бўғинларининг энг муҳим вазифаларидан бири эканлиги таъкидлаб ўтилсин.

Бунда: Олий Мажлиснинг барча сессияларида ХДП фракцияси фаоллигини таъминлаш, унинг фаолияти хусусида жамоатчиликнинг ижобий фикрини шакллантириш; халқимизнинг талаб ва истакларини депутатларга мунтазам етказиб туриш, уларнинг аҳоли билан учрашувларини доимий ташкил этиб борилишига ҳамда парламент қабул қилаётган қонун ва бошқа ҳужжатлар лойиҳаларини такомиллаштиришга оид таклифларни ўз вақтида тўплаш, бу жараёнда аҳолининг фикрини тўлароқ ҳисобга олишга, уларни кечиктирмай, юқори партия кенгашла-

(Давоми 3-бетда).

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ МАЖЛИСИГА САЙЛОВ ЎТКАЗУВЧИ МАРКАЗИЙ САЙЛОВ КОМИССИЯСИДА

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисига сайлов ўтказувчи Марказий сайлов комиссияси бўшаб қолган ўринларга Олий Мажлис депутатларини сайлаш бўйича 1998 йил 15 февраль куни ўтказилган сайлов натижаларини кўриб чиқди.

Ўн олтита округда ўтказилган сайловда сайловчилар Ўзбекистон Халқ демократик партияси, Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгеси ва халқ депутатлари вилоят Кенгашлари томонидан кўрсатилган номзодлар учун овоз беришда иштирок этдилар.

Овоз беришда 17-Самолётсозлар округида сайловчиларнинг 89,3 фоизи, 67-Жиззах округида сайловчиларнинг 95,6 фоизи, 70-Бахмал округида сайловчиларнинг 99,9 фоизи, 71-Ғаллаорол округида сайловчиларнинг 99,8 фоизи, 99-Чортоқ округида сайловчиларнинг 99,1 фоизи, 129-Гулистон округида сайловчиларнинг 92,6 фоизи, 135-Сардоба округида сайловчиларнинг 99,5 фоизи, 137-Шеробод округида сайловчиларнинг 97,3 фоизи, 166-Зафар округида сайловчиларнинг 98,9 фоизи, 170-Қизғалдоқ округида сайловчиларнинг 97,8 фоизи, 182-Наврўз округида сайловчиларнинг 98,5 фоизи, 184-Фарғона округида сайловчиларнинг 98,8 фоизи, 186-Бешариқ округида сайловчиларнинг 99,9 фоизи, 202-Учқўприк округида сайловчиларнинг 99,7 фоизи, 214-Хонқа округида сайловчиларнинг 99,0 фоизи, 247-Шуманай округида сайловчиларнинг 99,9 фоизи иштирок этди.

Марказий сайлов комиссияси сайлов барча округларда Қонун талабларига мувофиқ ўтганини қайд этди.

Марказий сайлов комиссияси овоз бериш натижалари тўғрисида тегишли округ сайлов комиссиялари тақдим этган ҳужжатларни кўриб чиқиб, «Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисига сайлов тўғрисида»ги Қонуннинг 11 ва 46-моддаларига мувофиқ Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисига сайланган депутатларни рўйхатга олиш ҳамда сайланган депутатлар рўйхатини республика ва тегишли маҳаллий матбуот органларида эълон қилиш тўғрисида қарор қабул қилди.

БЎШАБ ҚОЛГАН ЎРИНЛАРГА 1998 ЙИЛ 15 ФЕВРАЛЬ КУНИ ЎТКАЗИЛГАН САЙЛОВ НАТИЖАЛАРИГА КЎРА ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ МАЖЛИСИГА САЙЛАНГАН ДЕПУТАТЛАР РЎЙХАТИ

№№	Депутатнинг фамилияси, исми, отасининг исми	Туғилган йили	Депутатликка номзод кўрсатган органнинг номи	Эгаллаб турган лавозими (машғулот тури)	Иш ва яшаш жойи, номи	Сайлов округининг тартиб рақами ва номи
1.	Алимова Холида Рауфовна	1951	Халқ депутатлари Жиззах вилоят Кенгаши	Жиззах вилояти болалар шифохонасининг бош врачи	Жиззах шаҳри	67-Жиззах
2.	Артиқов Кенжабой	1947	Халқ депутатлари Хоразм вилоят Кенгаши	Хонқа тумани ҳокими	Хонқа тумани	214-Хонқа
3.	Аҳмедов Умарқул	1949	Ўзбекистон Халқ демократик партияси	«Мирзачўлқурилиш» ихтисослаштирилган бирлашмасининг бошлиғи	Янгиер шаҳри	135-Сардоба
4.	Жалолов Ёқубжон Жўраевич	1942	Халқ депутатлари Фарғона вилоят Кенгаши	Ўзбекистон Республикаси Президенти маслаҳатчиси-Ўзбекистон Республикаси Президенти девони Назорат инспекциясининг раҳбари	Тошкент шаҳри	186-Бешариқ
5.	Жихонгирова Дилбар Набиевна	1946	Ўзбекистон Халқ демократик партияси	Ўзбекистон Касаба уюшмалари Федерацияси кенгашининг раиси	Тошкент шаҳри	170-Қизғалдоқ
6.	Зиёев Азамат Хамидович	1963	Халқ депутатлари Сурхондарё вилоят Кенгаши	Ўзбекистон Республикаси Президентининг матбуот Котиби	Тошкент шаҳри	137-Шеробод
7.	Камолов Тимур	1938	Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгеси	Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгесининг Раиси	Нукус шаҳри	247-Шуманай
8.	Кучеров Вадим Петрович	1941	Ўзбекистон Халқ демократик партияси	«Чкалов номли Тошкент Авиация ишлаб чиқариш бирлашмаси» Давлат Акционерлик жамиятининг бош директори	Тошкент шаҳри	17-Самолётсозлар
9.	Маматов Абди Эшонқулович	1947	Халқ депутатлари Жиззах вилоят Кенгаши	Ўзбекистон Республикаси Президенти девонининг етакчи консультанти	Тошкент шаҳри	70-Бахмал
10.	Мунавваров Зохилло Иномхўжаевич	1953	Ўзбекистон Халқ демократик партияси	Ўзбекистон Республикаси Президенти девонининг бош консультанти	Тошкент шаҳри	99-Чортоқ
11.	Мусурмонова Ойниса	1952	Халқ депутатлари Жиззах вилоят Кенгаши	Ўзбекистон Республикаси Бош вазири ўринбосари Котибиятининг мудири	Тошкент шаҳри	71-Ғаллаорол
12.	Мўминов Алижон	1947	Халқ депутатлари Фарғона вилоят Кенгаши	Фарғона шаҳар ҳокими	Фарғона шаҳри	184-Фарғона
13.	Назаров Йўлдош Аҳмедович	1961	Халқ депутатлари Фарғона вилоят Кенгаши	Ўзбекистон Республикаси Президенти девони Қонунчилик ва суд ҳокимияти органлари билан алоқалар бўйича экспертлар гуруҳининг раҳбари	Тошкент шаҳри	182-Наврўз
14.	Рўзиев Эркин Махмудович	1947	Халқ депутатлари Тошкент вилоят Кенгаши	Тошкент вилояти ҳокими	Тошкент шаҳри	166-Зафар
15.	Усмонов Аббосхон	1944	Халқ депутатлари Фарғона вилоят Кенгаши	«Халқ сўзи» ва «Народное слово» газеталарининг бош муҳаррири	Тошкент шаҳри	202-Учқўприк
16.	Хожиматова Марям	1943	Халқ депутатлари Сирдарё вилоят Кенгаши	Гулистон шаҳар туғуруқхонасининг бош врачи	Гулистон шаҳри	129-Гулистон

МАМЛАКАТДАГИ ТУБ ИСЛОҲОТЛАРНИНГ ҲОЗИРГИ БОСҚИЧИДА ЎЗБЕКИСТОН ХДП МАҲАЛЛИЙ КЕНГАШЛАРИ ФАОЛИЯТИНИ ЯНАДА ТАКОМИЛЛАШТИРИШ ВАЗИФАЛАРИ ТЎҒРИСИДА

Ўзбекистон ХДП Марказий Кенгаши биринчи котиби Абдулҳафиз Жалоловнинг МКнинг (1998 йил 21 февраль) XVIII пленумидаги маърузаси[1]

1997 йил Узбекистон халқи ҳаётида, унинг тинч ва фаровон турмушини таъминлаш, юртимизда ижтимоий йўналтирилган бозор иқтисодиёти, эркин жамиятни шакллантириш, демократик ҳуқуқий давлат қуриш томон қўйилган, яна бир муҳим қадам бўлди. Йил давомида иқтисодий ва ижтимоий жабҳаларда қатор жиддий ижобий ўзгаришлар рўй берди. Саноат, қишлоқ хўжалиги, қурилиш ва коммуникация, ижтимоий тузилмалар муттасил ва барқарор ривожланди. Ўтиш даври қийинчиликларига қарамай, Ўзбекистон раҳбарияти ўз диққат-эътиборини иқтисодиёт нинг устувор жабҳалари — нефть ва газ саноати, рангли металлургия, машинасозлик, кимё саноатини ривожлантиришга қаратди. Мулкий муносабатлар соҳасида муайян силжишлар рўй берди. Булар аҳоли турмушини яхшиланишига тегишли замин яратди.

Узбекистоннинг халқаро обрўси ва мавқеи янада ошди. Мамлакат Президенти И. А. Каримовнинг «Узбекистон XXI аср бусағасида: хавфсизликка таҳдид, барқарорлик шартлари ва тараққиёт кафолатлари» китоби, унда баён этилган қоида ҳамда хулосалар мамлакатимизда ва жаҳонда кенг эътироф этилди. Давлатимиз раҳбарининг дунёда ва минтақамизда тинчликни сақлаш борасидаги ташаббуслари қўллаб-қувватланмоқда.

Узбекистон Республикаси Олий Мажлисининг, 1997 йилда ўтган, VIII, IX, X сессияларида қатор муҳим қонунлар, ҳужжатлар қабул этилдики, улар, нафақат ислоҳотлар сиёсатини, ҳозирги босқичда, муваффақиятли ўтказиш, балки, мустақил давлатимиз келажаги учун ҳам катта аҳамиятга эгадирлар. Олий Мажлис IX сессиясида кадрлар тайёрлаш, таълим тизимларини чуқур ислоҳ қилиш, фуқароларимизда ҳуқуқий маданиятни оширишнинг муҳим миллий дастурий ҳужжатларининг қабул қилиниши айни муддао бўлди. Буларни жамиятимиз ривожининг долзарб эҳтиёжлари тақозо этди.

Олий Мажлиснинг X сессияси, бошқа муҳим ҳужжатлар билан бир қаторда, катта сиёсий, иқтисодий ва ижтимоий аҳамиятга эга, хусусан қишлоқ хўжалиги учун, бозор ислоҳотларини янада чуқурлаштириш муаммоларини ҳал этишга қаратилган, масалалар кўрилди.

Республикамизни ривожлантириш, уни дунёдаги илғор давлатлар қаторидан муносиб урин эгаллаши йўлида катта қадамлар қўйилмоқда. Айни пайтда, жамиятимизда ўз ечимини кутаётган бошқа масалалар ҳам оз эмас. Уларни амалга оширишда партиямиз, хусусан, унинг маҳаллий кенгашлари, ташкилотлари ўз ўринларини топиб олишлари керак.

МК Сиёсий ижроқуми, ХДПнинг Олий Мажлисдаги фракциясининг 1997 йилдаги фаолиятлари тўғрисидаги ҳисобот, ахборот ва партия бюджетининг 1997 йилдаги ижроси ҳақидаги матнлар лойиҳалари пленум иштирокчиларига тарқатилган. Шу боис, уларнинг айрим жиҳатларигина тўхталамиз.

Утган йилда партия Марказий Кенгаши Сиёсий ижроқуми ХДПнинг Дастури, сайловолди Сиёсий ҳужжати, Миллий истиқлол мафкураси, МК XVII пленуми қарорида белгиланган вазифаларини бажаришга, маҳаллий партия ташкилотлари ишини йўналтириб ўтишга қаратилган саъй-ҳаракатларни амалга оширди. Улар партия фаолиятининг асосий-парламентчилик, ғоявий-сиёсий, оммавий-ташкилий, халқаро муносабатлар ва хўжалик-молиявий жабҳаларини қамраб олдилар.

Узбекистон ХДПнинг мамлакатимиз парламентидаги фракцияси, 1997 йил мобайнида, уз ваколатлари доирасида, муайян ишларни амалга оширди, деб хулоса чиқариш мумкин. Унинг фаолияти, асосан, мамлакат парламентининг қонун яратувчилик ишида бевосита иштирок этишдан иборат бўлди. Олий Мажлиснинг, 1997 йилда бўлиб ўтган сессиялари олдидан ХДПнинг парламентдаги депутатлик фракцияси билан партия Марказий Кенгаши Сиёсий ижроия қўмитасининг, мамлакат қонун чиқарувчи олий органи муҳокамасига киритилиши мўлжалланган масалаларни дастлабки тарзда кўриб чиқиш ва улар юзасидан муштарак нуқтаи назарни ишлаб чиқишга бағишланган мажлислари ўтказилди. ХДПдан, сессиялар кун тартибига киритилаётган масалаларга оид 400 га яқин, таклифлар, фикр-мулоҳазалар Олий Мажлис Котибиятига юборилди. Парламентнинг ўтган йилдаги сессияларида фракциянинг 55 аъзоси сўзга чиқиб, унинг муштарак нуқтаи назарини ифода этдилар.

Айни вақтда, фракция иши ва, умуман, партиямизнинг 1997 йилдаги парламентчилик фаолияти айрим жиддий камчилик ва нуқсонлардан ҳоли бўлмади, унда ҳали ечимини топмаган муаммолар, ишга солинмаган имкониятлар мавжуд. Депутатларнинг сайловчилар билан алоқасини мустаҳкамлаш, давлат ҳокимияти маҳаллий вакиллик идораларидаги партия депутатлик гуруҳлари фаолиятини ташкил этишга етарлича аҳамият бермаётган партия кенгашлари ҳам йўқ эмас. Депутатлик қабулхоналарини номигагина тузган, меҳнаткашларни қабул қилиш, уларнинг муаммоларини ечишни кўнгилдагидек уддалай олмаётган партия кенгашлари ҳам бор.

Ушбу йўналишдаги фаолиятимизни яхшилаш сирасига қуйидагиларнинг, биринчи галда, кириши мутлақо шубҳасиздир:

— Олий Мажлиснинг барча сессияларида депутатларимиз фаоллигини таъминлаш, халқимизнинг талаб ва истакларини парламентнинг юксак минбари орқали ифода этиш, депутатларнинг аҳоли билан учрашувларини мунтазам ташкил этиб борилиши ҳамда фракциямиз фаолияти хусусида жамоатчиликнинг ижобий фикрини шакллантиришга эришиш;

— парламент қабул қилаётган қонун ва бошқа ҳужжатлар лойиҳалари юзасидан таклифларни ўз вақтида тўплаш, бу жараёнда аҳолининг барча қатламлари фикрини билишга ва уни тўла ҳисобга олишга, билдирилган фикр-мулоҳазалар ҳамда таклифларни, кечикмай, юқори партия кенгашларига етказишга ҳаракат қилиш, депутатлик қабулхоналарининг самарали ишлашини таъминлаш;

— халқ депутатлари барча маҳаллий Кенгашларида ХДП депутатлик гуруҳларининг ҳамда шахсан партиядан сайланган ҳар бир депутатнинг фаолияти самарали бўлишини, уларга зарур ҳуқуқий, услубий, ахборий ва ташкилий ёрдамни кўрсатиш, сессиялар олдидан партия депутатлик гуруҳлари йиғилишларини мунтазам ўтказиб борилишини, уларда қабул қилинадиган қарорлар юзасидан тегишли муштарак нуқтаи назарни, партиямиз депутатларининг вилоят, туман, шаҳарлар ижтимоий-иқтисодий ривожланишига оид қарор ҳамда дастурларнинг сессияларда ишлаб чиқилиши ва қабул қилинишида, уларни ҳаётга татбиқ этилишидаги фаол иштирокларини, партия кенгашлари ва депутатлик гуруҳларининг амалий ҳамкорлигини таъминлашга эришиш, ХДПнинг сиёсий йўли, амалий фаолиятига фуқаролар ишончини кучайтиришга ҳаракат қилиш, Узбекистон ХДП маҳаллий партия кенгашларининг тегишли йўналишдаги фаолияти, самарадорлигини оширишнинг аниқ мақсад ва вазифаларини белгилаб олиш, уларнинг амалга оширилишига ҳисса қўшиш.

XVII пленумдан бўён ўтган давр мобайнида Узбекистон ХДП Дастури, унинг сайловолди Сиёсий ҳужжатида белгиланган вазифаларни амалга ошириш бўйича ишлар давом эттирилди. Партиямиз, республика раҳбариятининг, ўз дастурий мақсадларига мос, туб ислоҳотлар йўлини, сиёсий жиҳатдан, қўллаб-қувватлаш ва ҳаётга татбиқ этишда бевосита иштирок этмоқда. Партиямизнинг аҳоли барча қатламлари, давлат ҳокимияти идоралари, жамоат ташкилотлари билан алоқаларини мустаҳкамлаш, унинг хорижий алоқаларини кенгайтириш бўйича мунтазам иш олиб борилмоқда.

ХДП тузилмалари иши, унинг сифат таркибини яхшилаш, ички партиявий интизомни мустаҳкамлаш, партия кенгашларининг молия-хўжалик ва ишлаб чиқариш фаолиятини ривожлантиришга алоҳида эътибор берилди. Юртимиз мустақиллигининг мустаҳкамланишида, иқтисодий ислоҳотларнинг амалга оширилишида, халқимизни, бозор иқтисодиётига ўтиш даврида, ижтимоий жиҳатдан ҳимоя қилинишида партиямиз маҳаллий кенгашларининг салмоқли ҳиссаси бор.

Узбекистон ХДПнинг 1997 йилдаги фаолияти мустақил Ватанимиз ривожига ҳамнафас бўлди. Партиямиз сафлари тобора ўсиб бормоқда, унинг ижтимоий таркибининг сифати яхшиланмоқда. Маҳаллий ташкилотларимиз ўлкамизда тинчлик, осойишталик, миллатлараро тотувлик ва ҳамжиҳатликни асраб-авайлашни таъминлашга муносиб улуш қўшишга интилмоқдалар. Уларнинг кўпчилиги мамлакат парламенти қабул қилаётган қонунлар, Президент Фармонлари, ҳукумат қарорларининг мазмуни ва аҳамиятини халқимизга етказиш ҳамда тушунтириш йўлида астойдил ҳаракат қилмоқдалар. Мавжуд имкониятлардан самарали фойдаланаётган, давлат ҳокимияти идоралари, корхона, хўжалик, муассаса ва ташкилотларнинг ХДПга аъзо бўлган раҳбарлари ҳамда партия фаолларини ташкилий, оммавий-сиёсий, тарғибий-ташвиқий ишларга жалб этаётган кенгашларимиз республикада анчагина. Улар ҳокимликлар, бошқарув идоралари ва хўжалик раҳбарларига ислоҳотларнинг ҳозирги босқичи вазифаларини бажаришда, кишиларда мулкчилик шаклларига нисбатан тўғри муносабатни шакллантиришга, уларда тадбиркорлик ва ишбилармонлик каби ҳислатларнинг пайдо бўлишига кўмаклашмоқдалар.

Мамлакатимизнинг маънавий ва демократик янгиланишида партия ташкилотларининг иштироки анча фаолланди. Утган даврда партиямиз кенгашлари жойларда халқимизнинг асл фарзандлари — Амир Темур, Мирзо Улуғбек, Заҳириддин Бобур, Абдулҳамид Чўлпон, Файзулла Ҳужаев, Абдурауф Фитрат ва бошқа машҳур арбобларнинг юбилейларига бағишланган тадбирларни ўтказишда фаол қатнашдилар.

УзХДП ташкилотлари, унинг фаоллари мамлакатимизда амалга оширилаётган туб ислоҳотларнинг рўёбга чиқишида самарали қатнашаяптилар, фуқароларимизда янгича тафаккурнинг шаклланишига, уларнинг истибдод мафкураси ақида ва қоидалари, усул ва воситаларидан тамомила воз кечишларига ҳамда онгида миллий қадриятларимизнинг тикланишига ўз ҳиссаларини қўшмоқдалар.

Ҳозирги давр ҳар биримиздан Ватанга чексиз муҳаббат, унинг нурли келажагига комил ишонч ҳосил қилишни, ўзимизда янгича дунёқараш, замонавий билимлар, касб маҳорати, одамлар ўртасида ижобий натижали иш олиб боришнинг услуб ва шаклларини пухта эгаллаб олишни талаб қилмоқда. Узбекистон ХДП Марказий Кенгаши, фикрлар хилма-хиллиги ва кўппартиялилик шароитида, партия тузилмаларида фаолият кўрсатувчи раҳбар ходимларни танлаш ва тарбиялаш, уларнинг сиёсий, иқтисодий билимларини ошириш, уларда партия фаолиятини муваффақиятли юритиш кўникмаларини ҳосил қилиш масалаларига жиддий эътибор бермоқда. Утган йили Андижон вилояти партия кенгаши негизида, Қорақалпоғистон республика, Тошкент шаҳар, вилоятлар кенгашлари биринчи котиблари иштирокида, республика кўргазмали семинари ўтказилди. Унда мамлакатимизда амалга оширилаётган ислоҳотлар, уларда партиямиз ташкилотларининг иштироки, маҳаллий партия ташкилотларида олиб борилаётган ишлар, хусусан, Андижон вилоятида «Маърифат» марказлари фаолиятини юритиш борасида орттирилган ибратли тажриба ўрганилди.

1997 йилнинг июнь-сентябрь ойларида Қорақалпоғистон Республикаси, Жиззах, Навоий, Наманган, Қашқадарё вилоятларида ХДП шаҳар ва туман кенгашлари биринчи котиблари нинг минтақавий семинарлари ўтказилди. Уларда 300 дан зиёд партия кенгашлари раҳбарлари ва фаоллари иштирок этдилар, 50 нафарга яқин киши сўзга чиқиб, ташкилотларимизда қилинаётган ишлар, партиявий ишнинг услуб ва шаклларини янада такомиллаштириш масалалари тўғрисида гапирдилар, ўзларининг илғор тажрибалари ва фикр-мулоҳазалари билан ўртоқлашдилар.

Юқорида таъкидланганидек, партиянинг жамиятдаги мавқеининг тобора ошиб бориши, унинг маҳаллий ташкилотлари фаолиятига, уларнинг ўз олдиларида турган вазифаларига қай даражадаги масъулият билан ёндошаётганликларига кўп жиҳатдан, боғлиқдир. Зеро, қандай аниқ ва тўғри вазифалар белгиланмасин, агар, уларда, жойлардаги минтақавий хусусиятлар ҳисобга олинмаса, бошланғич ташкилотларни кўзланган мақсадлар томон сафарбар этувчи жиҳатлар бўлмаса, бундай вазифалар қоғозда қолиб кетаверадилар. Бу ҳол вилоятлар, хусусан, партиянинг ҳududiy — бошланғич ташкилотлар билан бевосита боғланган — шаҳар, туман кенгашларининг, партия таркибида, қандай муҳим аҳамиятга эга эканлигидан далолат бермоқда.

Жорий ижтимоий-сиёсий вазият ва мамлакатдаги туб ислоҳотларнинг ҳозирги босқичи хусусиятларидан келиб чиққанда, партия ташкилотлари, энг аввало, маҳаллий кенгашларнинг вазифалари нималардан иборат бўлмоғи лозим? Улар, асосан, қуйидагилардан иборат:

Биринчидан. Партиямиз таъсири ва обрўси, кўп жиҳатдан, унинг ташкилотларининг халқ манфаатларига жавоб берувчи ислоҳотларни амалга оширишда қай даражада иштирок этишига боғлиқ. Энг муҳими, охир-оқибатда, кишиларнинг партиямиз ҳақида фикр юритишига асос бўлиб хизмат қилувчи нарса, бу — сайловлардан сайловларгача бўлган давр мобайнида олиб борган ишларимизнинг аниқ натижаларидир.

Бу ўринда, Оила йили деб эълон қилинган 1998 йил алоҳида маъно касб этади. Ҳукуматнинг мазкур масалага оид қарорини бажариш доирасида бизнинг партиямиз ташкилотлари ҳам ўз ёки тегишли минтақа дастурларини ишлаб чиқишда ҳамда уларни рўёбга чиқаришда иштирок этишга даъват этилганлар.

Ҳўш, вилоят, шаҳар, туман, меҳнат жамоалари, бир ёки бир неча маҳаллада амалга ошириладиган дастурларнинг бажарилишида жойлардаги кенгашларимиз қандай ўрин эгаллашлари лозим? Улар авваламбор, фаолларга, давлат ҳокимияти маҳаллий ва бошқарув идораларидаги масъул лавозимлардаги ХДП аъзолари, ундан сайланган депутатларга суянган ҳолда, мазкур йўналишда тайёрланаётган ҳужжатларни аниқ маъно билан тўлдириш ишига ўзларининг салмоқли ҳиссаларини қўшмоқлари керак. Бу ерда ўз ечимини кутаётган муаммолар керагидан ҳам ортиқча. Бунга соғлиқни сақлаш, халқ таълими, коммунал, савдо ва маиший хизмат кўрсатиш соҳаларидаги кўплаб долзарб муаммолар киради. Муаммолар кўп. Ҳамма гап уларни ҳал қилиш ишида самарали амалий иштирок этишдадир. Маҳаллий партия ташкилотларимизда бу борада бой тажриба мавжуд.

Шу билан бирга: мамлакатимизда фуқаролик жамиятини вужудга келтиришда фаол иштирок этиш, хусусан, Оила кодекси лойиҳасини барча партия ташкилотларида муҳокама этишни уюштириш ва мазкур жараёнда тушадиган фикр-мулоҳазаларни тўплаш ҳамда уларни Узбекистон ХДПнинг МК-га, унинг республика Олий Мажлисидаги фракциясига тақдим этиш; оила манфаатларини таъминлашга оид, ҳаракатдаги ва истиқболда қабул қилинадиган қонунлар, Республика Президенти Фармонлари, ҳукумат қарорлари ва дастурларининг амалга оширилишида фаол қатнашиш, уларнинг мазмун-моҳиятини аҳолига тушунтиришни уюштириш, бу ишга партия фаоллари, ХДПдан сайланган депутатларнинг куч ва имкониятларини кўпроқ жалб қилиш; ижтимоий ҳимояга муҳтожларга яқиндан кўмаклашиш, мамлакат фуқаролари сиёсий фаоллиги ва ҳуқуқий онгини янада ошириш йўлида, биз билан ҳамкор, республика жамоат бирлашмалари ҳамда уларнинг жойлардаги ташкилотлари билан алоқаларни кучайтириш; партия матбуоти нашрларида оилага бағишланган рукнлар ташкил этиш, оила фаровонлигини таъминлаш борасида республикамизда амалга оширилаётган тадбирларни кўпроқ ёритиш, энг яхши, намунали оилаларни кенг тарғиб этиш; оила масаласига бағишланган илмий-назарий семинарлар уюштириш, аҳоли истиқомат жойларида «Намунали оила», «Оила-маҳалла-мактаб» мавзуларида ўтказиладиган танлов ва бошқа тадбирларда иштирок этиш керак бўлди.

Жиддий вазифаларни белгилаш ва уларни адо этиш мамлакат қишлоқ хўжалигидаги ислоҳотларни янада чуқурлаштириш бўйича бошланган кенг қамровли ишлардаги иштирокимизга ҳам тегишлидир. Бу ерда асосий, деб белгиланган вазифалар — мулкий муносабатлар ва қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришини ташкил этиш шаклларини тубдан ўзгартириш, қишлоқда мулкдорлар синфини фаол қарор топтириш, умуман, қишлоқ хўжалиги тизимини тубдан қайта қуриш, унинг фаолиятини ҳозирги замон услублари билан самарали олиб борилиши ва оқилона ихтисослаштирилишини таъминлаш, тегишли инфратузилма ҳамда қайта ишлаб чиқариш соҳаларини тезкорлик билан ривожлантириш кабилардан иборат бўлиб, уларнинг ҳал этилиши, тўғридан-тўғри ёки билвосита, нафақат мамлакатимиз аҳолиси аксарият кўпчилигини ташкил этувчи қишлоқ аҳли, балки, ҳаммамизнинг, ҳар биримизнинг ҳаётий манфаатларимизга дахлдордир. Шу сабабли, мазкур вазифалар жойлардаги депутатларимизнинг доимий эътиборида бўлмоғи лозим.

Юртбошимиз жорий йилнинг 14 февраль куни, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши Раиси, вилоятлар ҳокимлари, республика вазирликлари, қўмита, уюшма ҳамда компаниялари раҳбарлари билан бўлиб ўтган учрашувда, қишлоқ хўжалигидаги ислоҳотларнинг нақадар долзарб эканлигига эътиборни қаратиб, бир-бири билан, бамисоли занжирнинг халқалари каби, узаро боғлиқ қатор ҳолат ва вазифалар хусусида тўхталди.

Ана шулардан келиб чиқадиган бўлсак, мазкур йўналишда партиямиз, хусусан, унинг маҳаллий кенгашлари, ХДПнинг Олий Мажлисдаги фракцияси, жойлардаги депутатлик гуруҳлари, бутун фаолларимизнинг ҳам қонунчилик, ҳам ташкилотчилик, ҳам тарғиботчилик, ҳам амалий фаолиятлари учун иш ошиб-тошиб ётибди.

Халқ депутатлари маҳаллий Кенгашлари сайловчиларга, ҳар бир оилага, ҳар бир кишига яқин турадилар. Маълумки, давлат ҳокимияти вакиллик идораларининг ҳудди шу бугинларида аграр жабҳадаги ислоҳотларни чуқурлаштириш, қишлоқ хўжалиги корхоналарини соғломлаштириш, тегишли инфратузилмаларни ҳамда қайта ишлаш корхоналарини ривожлантиришнинг минтақавий дастурлари кўриб чиқилиб, тасдиқланади. Бошқа томондан, худди шу бугинда бошқарувнинг эски тамойиллари охиригача барҳам топмаган. ХДПнинг депутатлик гуруҳлари, партия маҳаллий кенгашлари бошқарувнинг, ўтмишдан қолган, маъмурий-буйруқбозлик кўринишлари билан курашга ўз ҳиссаларини қўшишлари, қишлоқ хўжалигида ишлаб чиқаришни ташкил этиш ва уни бошқаришдаги илғор услубларнинг дадил тарафдорлари, тегишли, иқтисодий асосланган, қарор ва режаларни тайёрлаш, уларни қабул қилинишининг ташаббускорлари бўлишлари, маҳаллий ҳокимият идораларига, депутатларимиз орқали, зарур таклифларни киритишлари керак.

Партиямизнинг жойлардаги ташкилотлари, ХДПнинг маҳаллий Кенгашлардаги депутатлик гуруҳлари ислоҳотларнинг мазкур ўта муҳим йўналишини нафақат қўллаб-қувватлашлари, балки, унинг амалий самарасини таъминлашда ўз ўринларини ҳам аниқлаб олишлари лозим.

Иккинчидан. Партиянинг маҳаллий ўз-ўзини бошқарув тизимидаги таъсирини мустаҳкамлашга алоҳида эътибор бермоқ лозим. Иложи борича, кўпроқ, маҳалла қўмиталарида партиямиз вакилларининг мавжудлиги сезилиб туриши, уларнинг аҳоли истиқомат жойидаги кайфият, маънавий-психологик иқлимни белгилайдиган ижтимоий кучга айланишлари муҳимдир.

Учинчидан. Маҳаллий партия ташкилотлари олдида турган масалаларни ҳал этишда, биз нафақат жамоатчи фаолларга, балки, яхши тайёрланган профессионал кадрларга суянишимиз лозим. Кадрларни тайёрлаш миллий дастурининг қабул қилинганлиги ушбу соҳадаги сиёсатда туб ўзгаришларнинг бошланганлигидан далолат беради. Демакки, у кадрларни тайёрлаш ва уларни масъулиятли лавозимларга тавсия этиш заҳирасини шакллантиришга мутлақо янгича ёндошувни талаб этади.

Юқоридагилардан келиб чиқиб, партиявий-ташкилий ишлар борасидаги фаолиятимизни яна бир бор қайта таҳлил қилишимиз керак. Аввало: барча даражалардаги маҳаллий партия кенгашлари фаолиятини дастурий мақсадларимиз талаблари даражасига мос равишда юритишга эришиш; бошланғич партия ташкилотлари, шу жумладан сайлов округлари, қишлоқлар, маҳаллалар ва мавзеларда тузилган ҳудудий ташкилотлар фаолиятини янада жонлантириш, партия аъзолари билан якка тартибда ишлашни йўлга қўйиш, аҳоли истиқомат жойларида партия аъзолари ва партиямизга хайрихоҳ кишиларни оммавий-сиёсий ишларга кўпроқ жалб этиш; ХДПга кираётганларнинг сифат таркибига, сафларимизни ўстиришда зиёлиларга, олимларга, ўқитувчиларга, тиббиёт ва муҳандис - техник ходимларга, нодавлат жабҳада меҳнат қилаётганларга алоҳида эътибор бериш, партия аъзоларининг, уларнинг ҳисобда туришлари билан боғлиқ ҳаракатларини мунтазам назорат қилиш; давлат ҳокимияти ва бошқаруви маҳаллий идораларидаги масъул лавозимларда ишлаётган ХДП аъзоларига нисбатан талабчанликни кучайтириш, тегишли партия ташкилотларида уларнинг ҳисобот, ахборотларини мунтазам эшитиб бориш; партиянинг ёшлар билан ишлашга оид дастурий мақсадлари ва Марказий Кенгашнинг шу масалага дахлдор қарорларида белгиланган вазифаларни изчил бажарилишини таъминлаш чораларини кўриш; юқори партия идоралари қабул қилган қарорларнинг маҳаллий кенгашлар томонидан тўлиқ бажарилишига эришиш, ўз қарорларининг ижроси устидан назоратни йўлга қўйиш; юқоридан кўрсатма кутиб ўтирмасдан, партия Низоми талаблари доирасида, маҳаллий шароитлардан келиб чиқиб, мустақил фаолият олиб боришнинг зарурлигини таъкидламоқчимиз.

Тўртинчидан. Олдинги йиллардаги каби, партиямиз шаҳар ва туман кенгашларини мустаҳкамлашга жиддий эътибор бериши зарур. Чунки, ҳаётнинг ўзи олдимизга қўяётган вазифаларни муваффақиятли уддаланиши, кўп жиҳатдан, ўз сафларида қарийб ярим миллионга яқин аъзоларни бирлаштирган, партиямиз таркибидаги 14 минг 250 дан ортиқ бошланғич ташкилотлар фаолиятини, уларни бажаришга қаратилган аниқ мақсадлар сари, йўналтиришга боғлиқ. Маҳаллий партия кенгашларимиз бунинг учун етарли салоҳиятга эга. Улар таркибида 10 мингдан зиёд аъзолар бор, қолаверса, Марказий Кенгаш, партия Марказий тафтиш комиссиясининг 190 га яқин аъзолари ҳам ўз фаолиятларини вилоят, шаҳар, туманларда олиб борадилар. Бундан ташқари, 3200 яқин, партиядан сайланган, жумладан Олий Мажлисда 69 та, депутатларимиз бор. Бу ниҳоятда катта куч. Ҳамма гап ундан унумли фойдалана билишда. Таъкидланганидек, кўплаб туман ва шаҳар партия кенгашлари муттасил ривожланмоқда, уларнинг аҳолига таъсир даражаси сиёсий ва ташкилий жиҳатдан ўсиб бормоқда. Афсуски, бошқа томондан, бу бўғинда суст, ташаббуссиз, ўз минтақалари ижтимоий-сиёсий ҳаётида амалда ҳеч нима билан ўзини намоён қилмаётган кенгашлар ҳам бор. Уларнинг бир қанчаси, охирги йилларда, ўз кадрлар салоҳиятини йўқотдилар.

Сўзсиз, партиямиз Низомига биноан ҳам, ривожланган парламент демократиясига эга мамлакатлардаги хорижий партиялар тажрибаси нуқтаи назаридан ҳам, аҳоли орасида оммавий-сиёсий иш олиб боришда эътибор партия фаолиятида, асосан, жамоатчилик негизларини ривожлантиришга қаратилмоғи лозим. Ҳар бир партия аъзоси ХДПнинг жамоатчи фаоли бўлишига, аҳоли орасида кундалик сиёсий иш олиб бориш юкини ўз зиммасига ола билишига эришиш керак.

Шу билан бир пайтда, махсус ташкилотсиз, тегишли билимга эга профессионал кадрларсиз партия фаолиятининг, жумладан унинг жамоатчилик асосларининг ҳам ривожланиши мумкин эмас. Шунинг учун тезда, биринчи навбатда, вилоят партия ташкилотлари даражасида, ҳар бир шаҳар, ҳар бир туман кенгаши аппаратида зарур касбий тайёргарликка, сиёсий ва ташкилотчилик кўникмаларига эга кадрларнинг фаолият кўрсатишига эришишнинг таъсирчан, жумладан молиявий, чоралари кўрилиши мақсадга мувофиқдир.

ХДП бюджетининг 1997 йилдаги ижроси якунлари, мураккаб иқтисодий шароитларда, партия фаолияти учун зарур сарф-харажатларни қоплаш имкониятини яратди. Даромадлар билан умумий харажатларнинг фарқи 3,9 фоизни ташкил этди. 1998 йилда партия бюджетининг камомадини сезиларли қисқартириш, унинг 0,5 фоиз даражасида бўлиши режалаштирилмоқда.

Узини-ўзи маблағ билан таъминлаш партия аъзолик бадалларини ўз вақтида ва тўла йиғиб олинишига эришиш, хўжалик-ишлаб чиқариш фаолиятини ривожлантириш, мавжуд маблағлар, бино ва транспорт воситаларидан оқилона фойдаланиш, партия аппарати ходимларининг ижтимоий муҳофазасига эътиборни янада кучайтириш каби долзарб масалалар билан жиддий шуғулланишни тақозо этади.

Хулоса қилиб айтганда, ҳар бир маҳаллий партия кенгашининг ўзи учун устувор мақсадларни аниқ белгилаб олиши, бошланғич партия ташкилотлари иши таъсирчанлиги ва самарадорлигини ошириш масалаларини мустақил ҳал этиши, бу орқали эса ўзининг аҳоли орасидаги таъсири ҳамда обрусини янада мустаҳкамланишига эришиши — шу куннинг долзарб талабидир.

Кўриниб турибдики, партиямиз, хусусан унинг маҳаллий кенгашлари олдида муҳим, долзарб вазифалар турибди. Улар, узининг ижтимоий-сиёсий моҳияти [illegible]лан, пировард натижада, фақат партиянинг вазифалари эмас. ХДПнинг ўзи халқ, миллат, Ватан манфаатларига хизмат қилишга даъват этилган. Мустақил Узбекистоннинг нурли келажагини, унинг жаҳон ҳамжамиятига уйғунлашувини юртимизда қарор топажак кучли фуқаролик жамияти, ижтимоий адолат, демократик ҳуқуқий давлатсиз, уларни эса, ўз навбатида, сиёсий партияларнинг, жумладан, бизнинг партиямизнинг, тегишли йўналишдаги тўлақонли фаолиятисиз тасаввур қилиш сира мумкин эмас. Зеро, юртимизда инсонларга муносиб турмуш шароитларини яратиш йўлида барчамизни замонавий умуммиллий маънавий- маданият ва юксак ташкилий уюшқоқлик, баҳамжиҳатлик соҳиблари бўлишимизнинг зарурлигига чақирувчи даъват ҳар бир хонадон, меҳнат жамоаси эшигини қоқмоқда, ҳар бир, ўзини чинакам ватанпарвар ҳисоблаган, фуқаро қулоғи остида ушбу даъват тобора кучлироқ жаранглямоқда. Мақсадларимиз олийжаноб, ниятларимиз пок, орзуларимиз, эзгу ишларимиз хайрли, вазифаларимиз аниқ.

Ушбу мақсадлар, орзу-ниятларни рўёбга чиқаришга, вазифаларни адо этишга партиямиз, унинг маҳаллий кенгашлари, барча аъзолари юксак масъулият билан ёндошадилар, деб ишонч билдирамиз.

1. Маъруза қисқартирилган тарзда чоп этилмоқда.

(Давоми. Боши 2-бетда).

Ўзбекистон ХДП МК XVIII Пленумининг қарори

Мамлакатдаги туб ислоҳотларнинг ҳозирги босқичида Ўзбекистон ХДП маҳаллий кенгашлари фаолиятини янада такомиллаштириш вазифалари тўғрисида

рига етказиш, депутатлик қабулхоналарининг самарали ишлашига эришиш; ХДП депутатлик гуруҳлари ҳамда ундан сайланган ҳар бир депутатга ҳуқуқий, услубий, ахборий ва ташкилий ёрдам кўрсатиш, сессиялар олдидан депутатлар гуруҳлари йиғилишларини мунтазам ўтказиб бориш, қабул қилинадиган қарорлар юзасидан тегишли муштарак нуқтаи назарни ишлаб чиқиш, партия депутатларининг вилоят, туман, шаҳарларни ижтимоий-иқтисодий ривожланишига оид қарор ҳамда дастурларнинг ишлаб чиқилиши ва қабул қилинишида, хусусан уларни ҳаётга татбиқ этишда фаол қатнашишларига, Ўзбекистон ХДП маҳаллий партия кенгашларининг истиқболдаги фаолиятининг режа ва йўналишларини белгилаб олиш, уларнинг амалга оширилишини таъминлашга жиддий эътибор берилсин.

3. Барча партия ташкилотлари, мавжуд салоҳият ва имкониятлардан келиб чиққан ҳолда, Кадрлар тайёрлашнинг миллий дастури, Таълим тўғрисидаги Қонун, Оила манфаатларини таъминлаш, фуқаролар маънавияти, ҳуқуқий маданияти ва сиёсий фаоллигини ошириш ҳамда қишлоқ хўжалигида ислоҳотларни чуқурлаштириш бўйича бошланган кўп қиррали тақдиршумул ишларда ўз ўринларини аниқ белгилаб олсинлар.

ХДПнинг депутатлик гуруҳлари, партия маҳаллий кенгашлари қишлоқ хўжалигидаги бошқарувнинг, ўтмишдан қолган, маъмурий-буйруқбозлик усуллари билан курашга ўз ҳиссаларини қўшишлари, аграр соҳада ишлаб чиқаришни ташкил этиш ва уни бошқаришда илғор услубларнинг дадил тарафдорлари бўлиб чиқишлари, мазкур мақсадларга мос, иқтисодий асосланган, дастур ва режалар ишлаб чиқилиши, уларнинг қабул қилинишининг ташаббускорлари бўлишлари, маҳаллий ҳокимият идораларига, депутатларимиз орқали, тегишли таклифларни киритишлари керак.

4. Ўзбекистон ХДП Қорақалпоғистон республика, вилоятлар, шаҳар ва туман кенгашлари, сайлов округлари миқёсида аҳоли орасида ташкилий-сиёсий, ташвиқий-тарғибий ва маданий-оқартув ишларини олиб боришнинг катта аҳамиятга эга эканлигини ҳисобга олиб, ҳудудий партия ташкилотларини мустаҳкамлаш, уларнинг иши самарадорлигини ошириш борасидаги ҳаракатларни қатъият билан изчил давом эттирсинлар.

Ҳар бир маҳаллий партия кенгаши ўзи учун аниқ йўналиш ва мўлжалларни белгилаб олиши, бошланғич партия ташкилотлари ишида таъсирчанлик ҳамда самарадорликни ошириш масалаларига катта эътибор бермоғи ва шулар заминида аҳоли орасида ўз нуфузини янада оширишга эришмоғи керак.

Айни пайтда, муносиб фуқароларни партия сафларига қабул қилиш бўйича олиб борилаётган ишларни янада яхшиланишини таъминлаш лозим.

5. Ўзбекистон ХДП маҳаллий кенгашлари, ўз фаолиятининг жамоатчилик асосларини партия аппарати ходимларининг юксак касб маҳорати билан муштараклигига эришиш орқали, шаҳар ва туман кенгашлари кадрлар корпусини талаблар даражасида мустаҳкамлашнинг аниқ чораларини кўрсинлар.

Марказий Кенгаш Котибиятига, Қорақалпоғистон республика, вилоятлар, Тошкент шаҳар партия кенгашлари билан биргаликда, ХДП шаҳар ва туман тузилмаларининг молиявий аҳволини яхшилашнинг зарур чораларини ишлаб чиқиш таклиф этилсин.

6. «Ўзбекистон овози» — «Голос Узбекистана» газеталари, «Мулоқот» журнали таҳририятлари зиммасига ўз ижодий жамоалари фаолиятини мустақилликни мустаҳкамлаш, халқимизнинг маънавий, ҳуқуқий, сиёсий маданиятини юксалтиришга, республикада амалга оширилаётган туб ислоҳотларни амалга оширишга халақит бераётган иллатларни кескин ва муросасиз танқид қилишга қаратиш, партиямизнинг, Ватан манфаатларига мос, ғоялари ва унинг ушбу йўлдаги кўп қиррали фаолиятини ёритишни яхшилаш вазифаси юклатилсин.

7. Ўзбекистон ХДП Марказий Кенгаши Сиёсий ижроқуми, мамлакатимизда туб ислоҳотларни амалга ошириш манфаатларини кўзлаган ҳолда, партиянинг республика жамоат бирлашмалари, хорижий турдош сиёсий партиялар, Тошкентда фаолият кўрсатаётган чет эл ваколатхоналари ва халқаро ташкил

Vatanni sevmak iymondandur!

O'ZBEKISTON OVOZI

O'zbekiston Xalq demokratik partiyasi gazetasi

1998 yil 24 fevral, seshanba № 25 (22.262).

Gazeta 1918 yil 21 iyundan chiqa boshlagan

ТУҒУРУҚХОНАДАГИ ҲОДИСА

(ҲИКОЯ)

Қишлоқ туғуруқхонасида ҳар куни ҳар хил воқеа юз бериб туради. Унинг ҳаёти ўзга бир дунё. Эшигидан оҳ-воҳлаб тўлғоқ тутган аёл кириб туради, гоҳ у хона, гоҳ бу хонада доди-фарёд, ҳар жой-ҳар жойда инг-га, инг-га... Кимнингдир оғзи қулоғида — йўргакланган чақалоғини қучоқлайди, кимдир қувончдан ёки аламдан ғирт маст, икки дунё бир қадаму, океан ҳам унга тўпиғидан келмайди. «Мен сенга айтсам» хиргойисини қуйлайди. Бир сўз билан айтганда, қишлоқ туғуруқхонаси ажойиботга тўла,аммо мен дуч келган ажойиботни ҳеч кимга раво кўрмайман.

Воқеани бир бошдан баён қила қолай. Тафсилоти қуйидагича:

Тим қора тун, гўё қора қозон тўнтариб қўйилгандай. Кўзингни ўйиб олса билмай қоласан киши. Атрофда кўршапалак ҳоким. Уларнинг куни туғиб: ови юрган палла. Шу он туғуруқхона дарвозаси олдида гуриллаб юк автомобили тўхтади. Кузовидан оғир юкдай кўтариб туширилган аёлни дарвозадан киритиб юборган эркак дўнгиллади:

— Билиб қўй: яна қиз туғсанг, шу дарвозадан қайтиб чиқма! Шуни иккала қулоғинг-га қуйиб қўй!

Юк машина тариллаганича қоронғи кўчада ғойиб бўлди, тўлғоқдаги аёл инқиллаб-синқиллаб ичкарига кириб олди. Навбатчи ҳамширалар уни икки қўлтиғидан суяб, шифокор ҳузурига бошладилар.

— Илойим ўғил бўлсин-да. Шу сафаргисини ўғил қилиб беринг, жон доктор! — деди тўлғоқдаги аёл врачга ёлбориб. — Муродингиз ҳосил бўлсин!

Орадан ҳеч вақт ўтмай, навбатчи ҳамширалар тўлғоқ тутган яна бир аёлни олиб кирдилар-да, навбатчи шифокорга: «Ташқарида Сизни сўрашяпти» дедилар.

— Ким?

— Эркак киши, жуда муҳим гапи бормиш.

Навбатчи шифокор Холиқова ташқарига чиқиши ҳамон ҳаяжонланган йигитни кўрдида, энтикиб сўради:

— Тинчликми?

— Ҳозир ҳузурингизга кирган аёл менинг хотиним бўлади...

— Хавотирланманг, аёлингизнинг аҳволи яхши, ўзи дадил.

— Сизга ҳам айтиб қўяй: қиз туғмаса, уни бу ердан олиб кетмайман.

«Кайфи тароқ экан бу отанинг. Ҳамма ўғил туғдиринг, деса бу қиз туғсин, деяпти», деб ўйлади-да:

— Хотиржам бўлинг, албатта қиз туғдириб берамиз, — деб ҳазиллашди.

— Қиз туғдириб берсангиз, устингиздан дур сочаман. Албатта сочаман! Сочмасам ҳар нарса... — деди у ширакайф оҳангда.

— Муродингиз ҳосил бўлсин.

Яхши муомала, ёқимли суҳбатдан чандон мамнун бўлган йигит, шу жойданоқ ашулани варанг қилиб орқасига қайтиб кетди.

Улар кимлар эди? Туғуруқхона варақасида ёзилишича, биринчиси Бодомхон Эркаева бўлиб, ўн беш йиллик турмушида еттита қиз туққан, эри Ўроқбой Эркаев, ҳар гал ўғил кутиб, қиз кўравергач, яна қиз туғсанг — талоқсан деган.

Иккинчи аёлнинг исми Лаълихон Мамажонова бўлиб, бирданига устма-уст беш ўғил кўрган, эри Эрмат Мамажонов бўлиб, қиз фарзандга зор экан. Иккинчиси, учинчиси, ҳеч бўлмаса бешинчисини қиз бола бўлсин, деб нола қилса ҳам, хотини қатор ўғил туғиб берибди. Эр-хотин бир-бири билан ҳазил-мутойиба гаплари орасида шундай луқма алмашуви ҳам бўлиб ўтибди:

— Ичинг ўғил бола омборими, нуқул ўғил туғасан, хотин, — дебди эр.

— Экканингизни олаяпмиз, — дебди хотин.

Олтинчи ҳомила пайдо бўлганидан буён иккаласи Оллоҳга илтижо қилиб, Яратгандан қиз фарзанд тиламоқда эдилар. Улар туғуруқхонада ҳам шу тилакни тилаб, кунни тунга, тунни кунга уламоқдалар.

Навбатчи шифокор ҳар иккала жувоннинг илтимосини тинглаб, уларга бир хилда жавоб қилди:

— Дунёда бешта нарсани олдиндан билиб бўлмас экан. Шу бештасининг биринчиси — ҳомиладан ким туғилиши — ўғилми, қизми? Шунинг учун мен олдиндан айтолмайман. Башоратда кўп янглишганман. Умидсиз бўлманглар, ноумид шайтон...

Бодомхон Эркаева билан Лаълихон Мамажонова бир палатада ётар ва уларга Холиқованинг ўзи қарарди. Уларнинг кўнглига боқиб, доктор икковига ҳам бир хилда тассалли берарди:

— Муродларингиз ҳосил бўлади. Маҳкам бўлинглар.

Холиқова йўғида Бодомхон билан Лаълихон пичирлашиб олишди. Мабодо Бодомхон яна қиз туғса Лаълихонга, Лаълихон яна ўғил туғса Бодомхонга берадиган бўлди. Пичир-пичирларни Холиқова эшитиб қолган эди. Шу боисдан уларнинг яширинча чақалоқ алмашинувидан хавотир бўлиб шубҳада юрди. Аммо авжи кўз ёрар вақтида иштирок қилолмай қолди. Улардан чақалоқларни қабул қилиб олган бошқа доялар эса, уларнинг ниятидан бехабар бўлганлари учун оналарнинг саволларига алмаш жавоб бериб қўйди. «Нима туғилди? « сураганларида ўғил туққан Бодомхонга «қиз» деб, қиз туққан Лаълихонга «ўғил» деб янглиш жавоб қилиб юборди.

Ўзбек адибларининг янги асарлари

Бу янглишдан иккинчи янглиш келиб чиқди. Чақалоқларни она кўкрагига олиб келишганида аввал келишиб қўйишганича йўргакдаги чақалоқларни оналар кўр-кўрона алмаштириб олишди. Бодомхон «Ўғай бўлса ҳам ўғил, отаси олдида юзим ёруғ бўлади» деб чақалоққа боқди. Томошақовоқдай калласи қийшайиб турибди. Чумчуқ тумшуғидай бурни гоҳ очиб, гоҳ ёпилиб турибди, нўхатдай кўзлари юмуқ. Чучварадай қулоқлар, пистадай лаб... «Меники эмас... сеники эмас...» дер эди хаёл. Она сути келмаётгандай кўкраги без...

Лаълихон ўзида йўқ хурсанд. «Мана энди беш ўғилга бир қиз... ўзи суварақдай кўринса ҳамки, қиз. Қошининг ўрни бору туки йўқ бўлса ҳам қиз. Отасининг муддаоси, онасининг дастёри... Ҳадемай каттА бўлади, улғайса қўлимдан ишимни олади...»

Оталар оналарнинг шодлигидан бехабар эдилар. Ўроқбой Эркаевнинг туғуруқхонага қўнғироқ қилишга юраги бетламас эди. Яна «қиз билан қутлаймиз» деб юборсалар юраги ёрилишидан қўрқарди. Хабар топиб келиш учун туғуруқхонага энг яқин ўртоғини юборди. У ердан тез қайтиб келган ўртоғи воқеани айтиб улгурмай, уни қийинқистовга олди.

— Тез бўлсанг-чи, туғуруқхонада нима гаплар?

Ўртоғи Болтабой ҳазилкаш йигит эди. Гапни дунё туғуруқхоналарида содир бўлган ноёб воқеалардан бошлади.

— Жаҳон туғуруқхоналарида ажойиб ҳангомалар содир бўляпти. Австралия туғуруқхонасида етмиш ёшли аёл бирдагина бешта ўғил бола туғибди... Африкада битта аёл оғиз-бурун ўпишиб-чатишиб тушган эгизак туғибди. Яна биттаси қаердаям кучук туққанмиш...

— Қўйсанг-чи латифаларингни!

— Латифа эмас, туғруқхона қоровулхонасида ўқидим. Журналларда, газеталарда тўлиб ётибди бундақа сенсациялар.

— Бодомхон келин ойингдан гапир! Қишлоғимиз туғуруқхонаси...

— Э, суюнчини чўз! Ўғил бола...

— А?!

— Ҳа, ўғил бола!

Ўроқбой Эркаев ўрнидан отилиб, турди-да туғуруқхона сари учди. «Ниҳоят ўғилли бўлдинг Ўроқ! Исноддан қутилдинг, Ўроқ!»

Лаълихоннинг эри Мамажонов хотини қиз кўрганини эшитиб, ваъдасининг ижроси учун доя опа, доктор Пичирова ёнига ўтиб, ўрнидан турди-да, ташқарига чиқиб кетди.

Ўроқбой Эркаев шу ерда эди. Қоровул уни ичкарига киритмаётганидан тажанг эди.

— Шунга ҳам кўнгилхонликми, қоровулни қўлга оламиз, мана қармоқлари қопимда, — деди у тажанг Ўроқбойга.

Қопчиқ очилгач, қоровулнинг чеҳраси ҳам очилди, туғуруқхона эшиги ҳам ланг бўлди. Туғуруқхона бекалари уларни чин юракдан табриклаб, ҳам фарзандларини оталарига кўрсатмадилар.

— Уйларингга борганларида кўрасизлар.

Вақти-соати келгач, фарзандларни ўз уйларига олиб кетдилар, табриклар, йўқловлардан кейин нуроний эналар уларни чўмилтириш учун илиқ сувга солганларида ажойиб ҳангомалар бошланди.

«Ўғил» дегани қиз бола, «қиз» дегани ўғил бола бўлиб чиқди...

— Вой ўлмасам, — деди Бодомхон юраги ўйнаб, — нима қилиб қўйдим. Уч талоқ бўлиб кетаман-ку, шунча болам тирик етим бўладими! Йўқ-йўқ, ҳозирнинг ўзида Лаълихоннинг қизини қайтариб бераман. Яшшамагур ҳамшира мени алдабди...

Бодомхон апил-тапил чалачулпа кийиниб, бошига дура танғиб, йўргакдаги чақалоқни бағрига босиб, Лаълихоннинг уйига — қўшни қишлоққа йўл олди. Транспорт қаёқда. Шу боис у сўқмоқ йўлга бурилди. «Эрим келгунча қизгинани элтиб, ўғлимни келтириб олай!» Икки қишлоқ орасида сўқмоқда чопиб бораётганида баногоҳ қўшни қишлоқдан унинг қаршисига тугун қучоқлаб югуриб келаётган аёл кўринди.

— Ким бўлди? Вой ўлмасам, Лаълихон-ку!

Лаълихон ҳам туғуруқхонада санамай саккиз, деб ўз қизчасини ўғил болага алмаштириб олганидан юраги ёрилгудай бўлди-да. «Эрим келиб, қиз ўрнига ўғилни кўрса, беш бола билан уйдан ҳайдаб чиқариши турган гап» деб ўйлаб, ўз чақалоғини қайтариб олиш учун йўлга чиққан эди.

Бодомхон билан Лаълихон сўқмоқда йиғлаб, қучоқлашдида, апил-тапил чақалоқларни қайта алмашлаб, уйларига югуришди.

Уйларига келсаларки, эрлари остонада. Эркаевнинг оғзидан бамисоли оқ от кириб қора ит чиқяпти. Ўғиллари ҳанг-манг...

Мамажонов эса, хотинининг кўчини ташқарига чиқариб қўйибди. Қизчаларнинг кўзларида аламли ёш...

Ана можарою, мана можаро...! Иккала уйда ҳам мисоли мотам.

Оилаларнинг можароси болаларни тирик етим қиладиган қўйди-чиқдига борганда муаммога туғуруқхона шифокори, ҳодисанинг асосий гувоҳи врач Холиқова ўртага тушди.

У худони ўртага қўйиб, иймони-жонини ўртага тикиб, гувоҳлик берди,

— Худо ҳаққи янглиш юз берган! Имонсиз ўлай — болалар алмашиб қолган. Англашилмовчилик... Мен ўзим кўрганман. Чақалоқларнинг билакларидаги ипларни кўринглар... Ўзим боғлаганман... Қиз бола Бодомхонники эмас, ўғлонни эса Бодомхон туққан!

Бодомхон билан Лаълихон ҳам ўз айбларига иқрор бўлиб, юз афсусланиб, минг қасамёд қилсалар ҳам «алданган» оталар уларга ишонмадилар. Текшир-текшир бошланди. Туғуруқхонадаги жуда кўп кишилар сўроқ бердилар. Ўжар оталар ҳеч нарсани тан олмасдилар. Энг охири ишни «қон таҳлили» ҳал қилди. Ота-оналардан ҳам, чақалоқлардан ҳам таҳлил учун қон олиниб, насли аниқланди. Лаборатория исботи ҳамма гувоҳлар ҳукмига якун ясади:

— Ўғил бола — Ўроқбой билан Бодомхон қонидан, қиз бола — Лаълихон билан Мамажоновники...

Ҳар ишнинг охири бахайр бўлгани яхши. Бу иш ҳам Тангри берган олий неъмат оталар хоҳлагандай, оналар ардоқлагандай бўлиб чиқди. Иккала уйда ҳам тантана бўлди. Ўроқбойнинг қовоғи билан бирга катмони ҳам очилиб, ҳовлида қора қўчқор сўйилди. Эрмат Мамажонов эса, уйига қишлоқдаги жами отарчини йиғиб, базми-жамшид қурди.

Боши билан охири яхши бўлган бу воқеанинг ўртаси пуч қолди. Орада қон қайнатган кўнгилхонлик қолди. Ҳар хил янглишлардан сақла бандангни, холис парвардигор!

Иброҳим РАҲИМ.

—Жим тур, оляпман. *Абдулғани ЖУМА олган сурат.*

Тошкент шаҳар Ҳамза туманидаги «Мавлон» хусусий ишлаб чиқариш-тижорат фирмаси
ТУГАТИЛАДИ
Даъво ва эътирозлар эълон чиққан кундан бошлаб бир ой муддат ичида қабул қилинади.
Тел.: 97-79-13.

Тошкент шаҳар Акмал Икромов туманидаги «Ю. Н. Нажмиддин» фирмаси
ТУГАТИЛАДИ
Даъво ва эътирозлар эълон чиққан кундан бошлаб бир ой муддат ичида қабул қилинади.

Спорт

ТАРИХГА АЙЛАНГАН КУНЛАР

Япониянинг Нагано шаҳрида ўтказилган қишки олимпиада асримизнинг сўнгги йирик спорт анжуманларидан бири бўлиб қолади. Икки ҳафта давом этган қизғин ва муросасиз баҳсларда момиқ қор босган майдонлар, тоғли сўқмоқлар, сакраш миноралари-ю, мармардек музлик узра зўр шижоат ва маҳорат кўрсатган йигит-қизларнинг чиқишларини миллионлаб кишилар зимдан кузатдилар. Инсон боласининг ҳамиша олдинга интилиши, биринчи бўлишга иштиёқманд экани ва бу йўлда ўзининг руҳий ва жисмоний имкониятларидан тўлиқ фойдаланишга ҳаракат қилиши ҳамма вақт ҳайратли кечади.

Олимпиаданинг тантанали ёпилиши ҳам байрамга айланди. Мушакбозликлар, ғолибларни қутлашлар, дўстлар билан ўзаро мулоқотлар... Анъанага кўра мусобақа иштирокчилари бўлган мамлакатларнинг терма жамоалари саф тортиб ўтдилар. Уларнинг орасида ой-юлдузли байроғимизни баланд кўтариб ўтган юртдошларимизнинг борлигидан кўнгилларга ифтихор тўйғусини туйдик. Қадимий Афинанинг Олимп қишлоғидаги мангу оловдан аланга олдирилган олимпиада машъаласининг оҳиста сўниши-ю туташ беш халқа тимсоли бор мусобақа байроғининг туширилиши олқишларга бурканди.

Маълумки спорт — тинчлик, ҳамкорлик, барқарорлик, дўстлик, муҳими тан-сиҳатлик тимсоли. Олимпиадалар эса инсон тафаккурининг, яъни ҳаракат ҳаёт эканининг амалдаги жаҳоний намойиши бўлиб, ҳамиша маънавиятни бойитишга хизмат қилиб келмоқда. Бу галги олимпиада ҳам ўзининг бетакрор воқеалари, ақлбовар қилмас натижалари, учрашув ва мулоқотлари билан ажиб хотиралар «сандиғини» бойитди.

Тўғри, олимпиадада бор-йўғи иккинчи марта қатнашаётган юртдошларимизнинг чиқишларидан кўнгиллар тўлмас. Йигит-қизларимиз ғарчанд ғолиблик супасига кўтарилиб, мадҳиямиз ҳалинишига эришолмаган бўлсалар-да, хайрли сафар жаҳон ҳамжамиятида Ўзбекистон деган келажаги буюк давлат борлигидан нишонадир. Спортчиларимиз энг кучлилар орасида бўш келмасликка, юртимиз нуфузини оширишга ҳаракат қилдилар. Аввалги олимпиада чемпиони Лина Черязованинг бу сафар 13-бўлиши ҳам бежиз эмас. Кўнглига Ватан меҳрини жо қилган бу чапдаст қиз ғолиблик йўлида астойдил ҳаракат қилди. Шунингдек, фигурали учиш усталаридан Роман Скорняков билан Татьяна Малининалар ҳам жаҳоннинг манаман деган спортчилари орасида ўз маҳоратларини намойиш этиб, мухлису мутахассисларда таассурот қолдиришди. Фристайлчи Сергей Бринер, чангичи Комил Ўрумбоевларнинг номлари ҳам олимпиада электртабloларида бир неча бор порлади.

Мусобақанинг сўнгги куни ҳамиша бўлганидек хоккейчилар мусобақалари ўтказилди. Хоккейчи қизлар баҳсида АҚШ жамоаси финалда Канада спортчиларини 3:1 ҳисобида енгишди. Йигитларнинг сўнгги учрашувида Россия ва Чехия хоккейчилари майдонга тушдилар. Бу ўйинда чехларнинг дарвозага йўллаган ягона шайбаси учрашув тақдирини ҳал қилди. Шундай қилиб навбат яна тўрт йилдан кейин АҚШнинг Солт-Лейк-Сити шаҳрида ўтказиладиган олимпиадага.

Бош муҳаррир
Азим СУЮН

Таҳрир ҳайъати
Абдулла ОРИПОВ
Абдулҳафиз ЖАЛОЛОВ
Азиз НОСИРОВ
Одилжон ОЛИМЖОНОВ
Ислом ШОҒУЛОМОВ
Салим АШУРОВ
(бош муҳаррирнинг биринчи ўринбосари)
Норбобо ШАКАРОВ
(бош муҳаррир ўринбосари)
Андрей ОРЛОВ — (бош муҳаррир ўринбосари «Голос Узбекистана»)
Алимқул СУЛТОНОВ (масъул котиб — «Ўзбекистон овози»)
Валерий ЛАБАРЕШНИХ— (масъул котиб — «Голос Узбекистана»)

ЎЗБЕКИСТОН ОВОЗИ
ГОЛОС УЗБЕКИСТАНА
МУАССИС: ЎЗБЕКИСТОН ХАЛҚ ДЕМОКРАТИК ПАРТИЯСИ МАРКАЗИЙ КЕНГАШИ

БЎЛИМЛАР:
Мафкура ишлари ва партия ҳаёти — 133-76-04, 136-33-40.
Парламент фаолияти ва ҳуқуқ — 133-07-20, 136-54-06.
Иқтисодиёт — 133-21-43, 136-57-22.
Фан ва маданият — 133-20-36, 136-33-40.
Хатлар ва оммавий ишлар — 133-76-04.
Ахборот ва спорт — 133-12-56, 136-55-16.
Халқаро ҳаёт — 133-20-36.
Саноат, қурилиш ва транспорт бўлими — 133-07-20.
Реклама ва эълонлар — 133-38-55, 133-47-80.
факс— 133-38-55, 133-54-55

ВИЛОЯТ МУХБИРЛАРИ:
Андижонда — 24-16-48;
Бухорода — 23-80-06;
Гулистонда — 25-16-22;
Жиззахда — 3-31-86;
Навоийда — 3-39-20;
Наманганда — 6-43-43;
Нукусда — 7-58-83;
Каттақўрғонда — 5-33-46;
Тошкентда — 133-76-04;
Урганчда — 6-51-35;
Фарғонада — 24-54-61;
Қаршида — 3-25-79;
Қумқўрғонда — 5-26-24.

МАНЗИЛИМИЗ:
700000, ТОШКЕНТ, МАТБУОТЧИЛАР КЎЧАСИ, 32-УЙ.

«Шарқ» нашриёт-матбаа концерни босмахонаси.
Корхона манзили: Буюк Турон кўчаси, 41-уй.

Навбатчи муҳаррир С. ЎЎЛДОШЕВА, навбатчи Б. АБДУСАТТОРОВ.

Рўйхатдан ўтиш тартиби №00120
Газета офсет усулида, А—2 форматида, 34863 нусхада босилди
Ҳажми 2 босма табоқ
«Ўзбекистон овози» материалларини кўчириб босиш фақат таҳририят рухсати билан амалга оширилади.
Г — 0968

Босишга топшириш вақти -21.00. Топширилди — 23.30.
1 2 3 4 5 6.

СОТУВДА ЭРКИН НАРХДА

«Оила — 98»

«ЮЗ БИЛАН ЮЗЛАШГАНЛАР»

Қадрли муштарийлар! Таҳририятимиз «1998 йил — Оила йили» муносабати билан шу номда янги рукн ташкил этди. Унда ватанимизнинг турли қишлоқ ва шаҳарларида яшаётган — юз ёшга тўлган ва ундан ўтган нуроний отахон ва онахонлар ҳақида маълумотлар бериб борамиз. Шундай кишилар ҳақида маълумотга эга бўлсангиз, қуйидаги анкетани тўлғазиб, газета саҳифасидан қирқиб, бизга жўнатинг:

Фамилияси *Иброҳимова*
Исми *Баҳорат*
Отасининг исми *Иброҳим қизи*
Қачон, қаерда туғилган *01. 01. 1898 йил Тошкент шаҳ. Шайхонтоҳур тум. Дероз маҳалласи*
Ҳозир қаерда яшайди *Тошкент шаҳ. Яккасарой тум. академик Сиродиддинов кўчаси, 98-уй.*
Узоқ умр кўришнинг сири *меҳнат — ҳаракат, ҳаёт. Бағри кенглик. Болажонлар билан завқланиш.* (қисқа баён этилади)
Юз ёшнинг хулосаси *Раҳматлик қайнонам доим мени юзга киргин дея дуо қилардилар. Ўзлари ҳам тўқсон билан тўқнашгандилар.* (қисқа баён этилади)

Фотосурат ҳам илова қилиниши керак. Биз шу тариқа мамлакатимизда энг узоқ умр кўрган кишиларни аниқлаш ниятидамиз. Йил сўнггида улар таҳририятнинг махсус мукофоти билан тақдирланадилар.

Конвертга «ЮЗ БИЛАН ЮЗЛАШГАНЛАР» РУКНИГА» деб ёзишни унутманг.

МАРАДОНА ТЕРМИЗДА ЯШАЙДИ

Қарийб йигирма йилдирки, аргентиналик футболчи Диего Марадонанинг номи матбуот саҳифаларидан тушмайди, тез-тез телевизорларда кўрамиз, радиодан эшитамиз. Футбол уни 1978 йилда дунёга танитди, машҳур бўлди. Зеро Марадонага биров ҳавас билан қаради, биров...Сурхондарё вилоят газетасида масъул котиб бўлиб ишлаган, таниқли журналист, раҳматли Раҳматилла Абдураҳмонов ҳам футболга қизиқар эдилар. 1986 йили бўлиб ўтган футбол бўйича жаҳон чемпионатида Марадона кўрсатган ажойиб ўйинлар, у киритган чиройли тўплар барчани лол қолдирганди. Ҳамма унга ҳавас қилди. Раҳматилла ака ҳам агар набирам ўғил бўлса, исмини Марадона қўяман, дея кўнглига тугиб қўйди. Муҳиддин ўғилли бўлгач, Марадона, деб исм қўйишди. Ҳавас-да. Қўни-қўшнилар, таниш-билишлар уни шундай ном билан чақиради.

Яқинда Термизга телефон қилдик. Гўшакдан ёш боланинг овози эшитилди.

— Исминг нима?

— Марадонаман!

— Нечанчи синфда ўқияпсан?

— Бешинчида...

Ҳадемай, Марадона ўн икки ёшга киради. Ҳозир у Термизда ота-онаси билан яшайди. Унинг келажакда ким бўлишини эса вақт кўрсатади.

Равшан ШОДИЕВ.

Ороли қутқариш Ҳалқаро жамғармаси ижроия қўмитаси жамоаси техник директор Усмон Курганович Бўроновга онаси **ОЗОДАХОН** аянинг вафот этганлиги муносабати билан чуқур таъзия изҳор этади.

«Ўзбекистон овози»нинг навбатдаги сони 28 февраль, шанба куни чиқади.